

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

4-сон
(1128)
2024 йил
январь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

27. «Фармацевтика соҳасини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 январдаги ПФ–20-сон Фармони
28. «Соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 январдаги ПҚ–38-сон қарори
29. «Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 январдаги ПҚ–39-сон қарори

Учинчи бўлим

30. «Юк ва йўловчиларни ташишда автотранспорт воситаларига йўл варақаларини электрон шаклда расмийлаштириш ва юритиш тизимини жорий

этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 22 январдаги 44-сон қарори

31. «Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг таълим олишларини ташкил этиш ва уларни реабилитация қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25 январдаги 46-сон қарори
32. «Бюджетнинг бирламчи харажатларини қоплаш учун ягона ғазна ҳисобварафида сақланиши лозим бўлган маблағларнинг энг кам миқдорини аниқлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25 январдаги 47-сон қарори

Бешинчи бўлум

33. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 22 ноябрдаги 36/9-сон «Банклар ва нобанк кредит ташкилотларига нисбатан чоралар ва санкциялар қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3492*)
34. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2024 йил 24 январдаги 4-мҳ-сон «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги ўёриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-9*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳукукий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

27

Фармацевтика соҳасини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Республикада сўнгги йилларда дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника муомаласини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, фармацевтика соҳасини ислоҳ қилиш, фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, уларни давлат рўйхатидан ўтказишини такомиллаштириш ва дорихоналар фаолиятини тартибга солиш талаб этилмоқда.

Аҳолини сифати, хавфсизлиги ва самарадорлиги кафолатланган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника билан таъминлашни янада яхшилаш ҳамда фармацевтика маҳсулотлари муомаласини тартибга солиш жараёнларини такомиллаштириш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳолини сифатли ва хавфсиз фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда дори воситалари ва тиббий буюмларнинг муомаласини тартибга солишга жавобгар давлат органи этиб белгилансин.

2. Белгилансинки, 2024 йил 1 июлдан бошлаб:

а) дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрловчи, улгуржи ҳамда чакана реализация қилувчи ташкилотлар аҳолини сифати, хавфсизлиги ва самарадорлиги кафолатланган дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш учун масъул бўлган ташкилот сифатида эътироф этилади ҳамда уларга нисбатан давлат назоратини амалга оширишнинг алоҳида қоидалари белгиланади;

б) дори воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ потенциал хавф-хатарларни тезкор аниқлаш ва уларга жавоб беришга қаратилган, халқаро стандартлар талаблари асосида қўйидагиларни назарда тутувчи фармакологик назорат тизими ташкил этилади:

«Зарур фармакологик назорат амалиёти — GVP» стандартини жорий этиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлигига тиббиёт тизимининг барча бўғинларидан дори воситаларининг ножӯя таъсиrlари тўғрисидаги маълумотларни йиғиши ҳамда таҳлил қилиш имконини берувчи электрон ахборот тизими ни яратиш;

в) дори воситаларини тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этишда улар-

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 24 январда эълон килинган.

нинг хавфсизлигини назорат қилиш тизими жорий этилади. Бунда, Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан фармакологик назорат таҳлили натижалари асосида инсон саломатлигига зарар етказиш хавфи юқори бўлган моддалар рўйхати шакллантирилади.

3. Соғликни сақлаш вазирлигининг Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги хузуридаги «Зарур амалиётлар маркази» давлат унитар корхонасини давлат муассасаси шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсан.

4. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш ва аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

5. Шундай тартиб ўрнатилсанки, унга мувофиқ:

а) 2024 йил 1 июлдан бошлаб:

дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрловчи, ултуржи ҳамда чакана реализация қилувчи ташкилотларда уларга берилган лицензия талабларига риоя этилишини бир йилда кўпи билан бир маротаба ваколатли органни хабардор этиш орқали назорат қилиш тартиби жорий этилади (жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига асосан амалга ошириладиган назорат тадбирлари бундан мустасно);

дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни телерадиоканаллар орқали реклама қилиш учун ишлаб чиқилган контент Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан берилган хулоса асосида эфирга узатилади;

янги ташкил этиладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар сақланадиган божхона омборлари ва эркин омборлар мажбурий равишда «Зарур сақлаш амалиёти — GSP» талабларига мувофиқ ташкил этилади;

б) 2026 йил 1 январдан бошлаб «Зарур сақлаш амалиёти — GSP» талабларига мувофиқлик бўйича сертификатга эга бўлмаган божхона омборлари ва эркин омборларда дори воситаларини сақлаш тақиқланади;

в) фармацевтика фаолиятини лицензиялаш жараёнлари Зарур амалиётлар (GxP) талабларига мувофиқлиги бўйича ўтказиладиган фармацевтик инспекциялар билан мувофиқлаштирилган ҳолда ташкил этилади.

6. Соғликни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда:

дори воситаларининг фармакологик назорати халқаро талаблар асосида ташкил этилишини ва фармакологик назорат фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилишини таъминласин;

«Зарур фармакологик назорат амалиёти — GVP» стандартини тасдиқлансан;

манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсан.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим хужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

8. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шах-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири вазифасини бажарувчи А.А. Худайров белгилансин.

Фармоннинг ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкilotлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 23 январь,
ПФ-20-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 23 январдаги
ПФ-20-сон Фармонига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим хужжатларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5229-сон Фармонининг 4-банди тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агентлик директорининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ўринбосарлари бўлади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдағи ПФ-5490-сон Фармони билан тасдиқланган Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органинг хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхати қўйидаги мазмундаги 2²-позиция билан тўлдирилсин:

«

2 ² .	Дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарилишини, улгуржи ва чакана реализация қилувчи ташкилотларда уларга берилган лицензия талабларига риоя этилишини бир йилда кўпи билан бир маротаба назорат қилиш (2 ва 2 ¹ -позицияларда белгиланган назорат тадбирлари бундан мустасно).	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	5 кун
------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------	-------

».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги «2019 — 2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5707-сон Фармони 4-бандининг биринчи — бешинчи хатбошилари қўйидаги мазмундаги биринчи — тўққизинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«4. Белгилансинки:

а) 2024 йилнинг 1 январига қадар:

фармацевтика маҳсулотларининг клиник олди тадқиқотларини амалга оширувчи барча лабораториялар Зарур лаборатория амалиёти (GLP) милллий талабларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши лозим;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг клиник тадқиқотлар ўтказувчи барча клиник базалари Зарур клиника амалиёти (GCP) милллий талабларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши лозим;

фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи барча маҳаллий корхона

налар Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) миллий талабларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши лозим;

б) 2024 йил 1 июля қадар фармацевтика маҳсулотларини улгуржи со-тиш билан шуғулланувчи барча маҳаллий корхоналар Зарур дистрибуторлик амалиёти (GDP) миллий талабларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши зарур;

в) куйидагилар Зарур фармацевтика (дорихона) амалиёти (GPP) миллий талабларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилади:

2025 йил 1 январга қадар — фармацевтика маҳсулотларини чакана со-тиш билан шуғулланувчи тармоқли дорихоналар;

2026 йил 1 январга қадар — бошқа дорихоналар»;

олтинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансан.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 мартағи ПФ-6195-сон Фармони билан тасдиқланган Тиббий-ижтимоий муассасаларга бириктирилган тиббиёт муассасалари, ўрта, профессионал ва олий таълим муассасалари рўйхати II бўлумининг 11-позицияси «Бириктирилган тиббиёт муассасалари» устунининг 3-бандидаги «наркология» сўзи «рухий саломатлик» сўzlари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги «2022 — 2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ри-вожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-55-сон Фар-монининг 5-банди «олиб келинадиган» сўzlаридан кейин «ва фармацевтика маҳсулотларининг улгуржи савдоши билан шуғулланувчи корхоналар томо-нидан фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар эҳтиёжи учун келтириладиган» сўzlари билан тўлдирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 июлдаги «Маъмурий ислоҳотлар доирасида инвестициялар, саноат ва савдо соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-111-сон Фармонининг 6-иловасида «Қорақалпоғистон Республикаси, ви-лоятлар ва Тошкент шаҳар фармацевтика тармоғини ри-вожлантириш бўлин-малари» блоки «Зарур амалиётлар маркази» давлат муассасаси» блоки билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон қарори билан тасдиқланган Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари — тиббий хизматлар кўrsatiшнинг тегишли ихтисослаштирилган ўйналишлари бўйича республиканинг бosh тиб-биёт ташкилотлари рўйхатининг 18-бандидаги «наркология» сўзи «рухий саломатлик» сўzlари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги «Аҳо-лига наркологик ёрдам кўrsatiш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-244-сон қарорида:

а) 6-банднинг тўртинчи хатбошидаги «наркология» сўзи «рухий сало-матлик» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 11-позицияси «Амалга ошириш механизми» устуни 2-банди-даги «наркология» сўзи «рухий саломатлик» сўzlари билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг 16-позициясидаги «РИНИАТМ» қисқартмаси «РИРСИАТМ» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

г) 4-илованинг «Туманлараро пунктлар» устунида:

3-позицияда «наркология» сўзи «руҳий саломатлик» сўзлари билан ва «РИНИАТМ» қисқартмаси «РИРСИАТМ» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

13, 20, 28, 32, 41, 49, 58, 68, 77, 83, 92 ва 104 — позициялардаги «РИНИАТМ» қисқартмаси «РИРСИАТМ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги 788-сон қарори билан тасдиқланган Зарур амалиётлар (GxP) талабларига мувофиқлик юзасидан инспекциялар ўтказиш тартиби тўғрисида низомнинг 3-банди қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар Зарур сақлаш амалиёти (GSP) миллий талабларига мувофиқ;

доривор ўсимликларни маданийлаштириш, уларни йиғиб олиш ва уларга ишлов бериш билан шуғулланувчи барча маҳаллий ташкилотлар Зарур доривор ўсимликларни маданийлаштириш ва териб олиш амалиёти талабларига мувофиқ».

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида ягона низомда:

а) 28-илованинг 10-позицияси қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«

10.	Лицензия беришда келишиладиган органлар:	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ва «Зарур амалиётлар маркази» ДМ. Бунда ушбу ваколатли органлар ариза келиб тушган кундан бошлаб 3 иш куни ичida тегишли келишувни лицензияловчи органга тақдим этишлари лозим.
-----	------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

»;

б) 29-илованинг 10-позицияси қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«

10.	Лицензия беришда келишиладиган органлар:	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ва «Зарур амалиётлар маркази» ДМ. Бунда, ушбу ваколатли органлар ариза келиб тушган кундан бошлаб 3 иш куни ичida тегишли келишувни лицензияловчи органга тақдим этишлари лозим.
-----	------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

».

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 сентябрдаги «Божхона божларидан озод қилинадиган технологик ва лаборатория ускуналари, уларнинг

бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, шунингдек, хом ашё ва материаллар, тиббий буюмлар ва қадоқлаш материаллари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги 519-сон қарорининг 1-банди ва 2-бандининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилари ҳамда қарорга 1, 2 ва 3-иловалар номланишидаги «олиб келинадиган» сўзларидан кейин «ва фармацевтика маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар томонидан фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар эҳтиёжи учун келтириладиган» сўзлари билан тўлдирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

28 Соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш, тиббиёт муассасалари фаолиятини илғор хорижий тажриба асосида ташкил этиш, тиббиёт кадрларининг салоҳиятини ошириш, нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Етакчи хорижий эксперт ва консультантлар иштирокида кадрлар салоҳиятини ошириш, тиббиётнинг бирламчи бўғини, ҳудудлар ва республика даражасида тиббий хизматлар кўрсатишни янги тамойиллар асосида ташкил этиш ва унинг сифатини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш, соҳада самарадорлик ва шаффоффликни таъминлаш бўйича 40 та амалий харакатни ўз ичига олган мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ушбу таклифларни амалга ошириш, тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш ва соҳада ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасида давлат муассасаси шаклида «Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази» лойиҳа оғиси (кейинги ўринларда — Лойиҳа оғиси) ташкил этилсин.

2. Лойиҳа оғиси қўйидаги устувор йўналишларда янги механизмларни жорий қилишга масъул этиб белгилансин:

давлат тиббий суғуртаси тизимини ва давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари пакетини тўлиқ жорий этиш;

кадрлар салоҳиятини ошириш, тиббий таълим тизими ва илм-фан соҳасини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, тиббиёт ходимларини уларнинг меҳнати натижаларидан келиб чиқиб муносиб рағбатлантириш механизмларини жорий этиш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини жадаллаштириш ва соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш, тиббиёт муассасаларининг аккредитация қилинишини таъминлаш, уларнинг мустақиллигини мустахкамлаш ва жавобгарлигини ошириш;

тиббий хизматлар сифати ва хавфсизлиги устидан назорат тизимини тақомиллаштириш;

инфаркт, инсульт, шикастланиш ва жарроҳлик амалиётларидан сўнг ҳамда суяқ-мушак тизими касалликлари мавжуд бўлган беморларни тиббий реабилитация қилиш тизимини йўлга қўйиш;

«Рақамли соғлиқни сақлаш ислоҳотларини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга оширишга кўмаклашиш;

давлат харидлари самараси ва шаффоффлигини ошириш, фармацевтика соҳасини ислоҳ қилиш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 25 январда эълон қилинган.

санитария қоида ва нормаларини замонавий талаблар асосида янгилаш.

3. Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

Лойиха оғиси директори Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бошқарув ходимларига Лойиха оғиси директори лавозимида ўриндошлик асосида ишлаш ҳукуқи берилади;

Лойиха оғиси директорига соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринbosари учун белгиланган ваколатлар берилади;

Лойиха оғиси штат бирликлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ташкилотларининг амалдаги штатлари доирасида шакллантирилади;

Лойиха оғиси ҳар ойда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ҳолати, амалга оширилаётган чора-тадбирлар, ислоҳотларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар ва уларни бартараф этиш йўллари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ахборот киритиб боради;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг таркибий тузилмалари Лойиха оғиси томонидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг белгиланган муддатларда сифатли амалга оширилишини таъминлайди, бунинг учун зарур бўлган куч ва воситаларни сафарбар қиласи, шунингдек, ҳар чорак якуни бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида Лойиха оғисига хисобот киритиб боради;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги соғлиқни сақлаш соҳасидаги масалаларни тартибга солишга оид норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойихалари Лойиха оғиси билан келишилишини таъминлайди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Лойиха оғиси фаолиятини мувофиқлаштириб, унинг самарали фаолиятини таъминлаш чораларини кўрсинг.

6. Лойиха оғиси:

республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари, нодавлат тиббиёт ташкилотлари, тиббиёт олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг тажрибали мутахassisларини шартнома асосида Лойиха оғиси фаолиятига жалб қилсан;

уч ой муддатда юқори нуфузга эга хорижий тиббиёт олий таълим муассасаси билан ҳамкорликда мамлакатимизда тиббиёт олийгоҳини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсан.

7. Лойиха оғиси директорига хорижий мутахassisлар, эксперт, консультант ва маслаҳатчиларни тўғридан-тўғри шартномалар асосида жалб этиш, ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақини миллий ёки чет эл валютасида, шу жумладан маблағларни уларнинг хориждаги хисобваражларига ўтказиш орқали тўлаш, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг таркибий ту-

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зилмалари мутахассисларини ислохотларни амалга ошириш жараёнларига жалб қилиш, улар иштирокида эксперт комиссиялари ва ишчи гурухларни тузиш ҳукуқи берилсин.

8. Лойиҳа оғисини молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

2024 йилда — Соғлиқни сақлаш вазирлиги учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, шунингдек, вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 20 млрд сўм ҳамда 2025 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутиладиган маблағлар;

Лойиҳа оғисининг асосланган таклифларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги ҳисобидан ажратиладиган маблағлар;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳалар доирасида жалб қилинган кредит ҳамда грант маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бир ой муддатда Лойиҳа оғисининг низомини, шунингдек, унинг тузилмаси, штат бирликлари сони, ходимларнинг меҳнатига ҳак тўлаш миқдорлари ва уларни моддий рағбатлантириш шартларини тасдиқласин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) 2024 йилда:

Жаҳон савдо ташкилоти талаблари, тиббиёт муассасаларини лойиҳалаш, қуриш, жиҳозлаш ва эксплуатация қилиш бўйича етакчи хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда амалдаги 40 та санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари тўлиқ қайта кўриб чиқилишини ва халқаро стандартларга мувофиқлаштирилишини;

республика ихтисослаштирилган хирургия, кардиология, эндокринология, дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказлари, Болалар миллий тиббиёт маркази ҳамда Миллий тиббиёт марказининг фаолиятига замонавий бошқарув усуллари ва тиббиёт ёрдам хавфсизлиги ва сифатининг юқори стандартларини жорий этсин ҳамда уларни халқаро аккредитациядан ўтказилишини таъминласин.

Бунда, 2025 йилда барча республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари халқаро аккредитациядан ўтказилиши назарда тутилсин;

б) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб:

худудларда тор ихтисосликдаги мутахассисларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, тиббиёт олий таълим муассасаларининг 200 нафар битирувчини Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан магистратура ва клиник ординатура дастурлари асосида етакчи хорижий олий таълим муассасалари ва марказларида ўқитсин;

тиббиёт олий таълим муассасаларининг битирувчи курс талabalарида оиласиб шифокор учун талаб этиладиган клиник кўнникмаларни шаклланти-

риш мақсадида кўп тармоқли тибиёт ташкилотларида иш ҳақи тўланадиган интернатура ташкил этилишини таъминласин;

Тошкент тибиёт академиясининг таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказсин;

в) республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тибиёт марказларининг 1 нафардан салоҳиятли ходимларини асосий ишидан ажралган ҳолда Лойиҳа оғиси эксперти сифатида фаолият олиб бориш учун юборилишини таъминласин.

Бунда, экспертлар номзоди Лойиҳа оғиси билан келишилган ҳолда аниқланади ҳамда уларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари тегишли тибиёт муассасалари томонидан қопланади.

10. Белгилансинки, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб тибиёт йўналишидаги олий таълим муассасалари талабаларининг билимлари икки босқичли баҳолаш тизими асосида баҳоланади. Бунда, талабалар ўқиши давомийлигидан келиб чиқиб тегишинча иккинчи ёки учинчи курс якуни бўйича, биринчи босқичда, фундаментал фанлар бўйича (анатомия, гистология, физиология, микробиология, иммунология, биокимё, фармакология, жамоат саломатлиги ва бошқалар), иккинчи босқичда, клиник ва амалий кўникмаларни баҳолашга қаратилган давлат имтиҳонларини топширади.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда «Жамоат саломатлигини ташкил этиш ва бошқариш» (Public Health and Healthcare Management), «Жамоат саломатлиги: эпидемиология ва маълумотлар таҳлили» (Public Health: Epidemiology and data science/data analytics), «Жамоат саломатлиги: овқатланиш» (Public Health: Nutrition), «Профилактик тибиёт» (Preventive Medicine), «Жисмоний фаоллик ва реабилитация» (Physical Activity and Rehabilitation) магистрлик йўналишларини жорий этиш ҳамда ушбу мутахассисликлар бўйича ҳар йили камида 150 нафар мутахассисларни давлат буюртмаси асосида тайёрлаш чораларини кўрсинг.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири вазифасини бажарувчи А.А. Худаяров белгилансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 22 январь,
ПҚ-38-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

29

**Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини
жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

2023 йил 18 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, солиқларни ўз вақтида тўлаб, қонунчилик талабларига амал қилган ҳолда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларни рафбатлантириш мақсадида:

1. Савдо-саноат палатаси, Солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Тадбиркорлик субъектларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг 2024 йил 1 февралдан бошлаб қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш ва қўшимча рафбатлантириши назарда тутувчи Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини (кейинги ўринларда — рейтинг) жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

а) рейтинг доирасида тадбиркорлик субъектлари қўйидаги тоифаларга ажратилади:

«AAA», «AA» ва «A» тоифалар — юқори барқарорлик рейтинги;
 «BBB», «BB» ва «B» тоифалар — ўрта барқарорлик рейтинги;
 «CCC», «CC» ва «C» тоифалар — қониқарли барқарорлик рейтинги;
 «D» тоифа — қўйи барқарорлик рейтинги;

б) рейтинг Солиқ қўмитасининг «Тадбиркорларнинг барқарорлик рейтинги» электрон платформасида (кейинги ўринларда — платформа) идораларро ахборот алмашинуви воситасида автоматик тарзда (онлайн) шакллантирилади ва Савдо-саноат палатасининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади;

в) юқори барқарорлик рейtingидаги тадбиркорлик субъектлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-куватлаш бўйича жамоатчилик кенгаши (кейинги ўринларда — Жамоатчилик кенгаши) таклифига асосан ҳар йили 20 август — Тадбиркорлар куни арафасида тақдирлаш учун давлат мукофотлари ҳамда «Фаол тадбиркор» кўкрак нишонига тавсия этилади.

3. Савдо-саноат палатаси Солиқ қўмитаси, Тадбиркорлик субъектларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва манфаатдор идоралар билан биргаликда икки хафта муддатда рейтинг кўрсаткичлари мезонлари бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиб, унинг солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали тадбиркорлик субъектларига етказилишини таъминласин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 24 январда эълон қилинган.

4. Юқори барқарорлик рейтингидаги тадбиркорлик субъектлари учун қуйидаги рафбатлантириш чоралари жорий этилсин:

а) «ААА» тоифадаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятида солиқ текширувлари ўтказилмайды (жинойй ишлар доирасида ўтказиладиган текширувлар бундан мустасно), шунингдек, ушбу тоифадаги тадбиркорлик субъектларига қўшилган қиймат солиги суммаси ўрнини қоплаш (қайтариш) бир кун муддатда текширувларсиз амалга оширилади;

б) 4 ва 5-тоифадаги туманларда фаолият юритаётган «АА» ва ундан юқори тоифадаги тадбиркорлик субъектларига бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган давлат активлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари бўйича камида 15 фоиз миқдоридаги дастлабки тўлов бир йўла амалга оширилганда қолган суммага Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдорида йиллик фоизлар ҳисобланмайди ҳамда бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 5 йилгача узайтирилади;

в) «А» ва ундан юқори тоифадаги тадбиркорлик субъектларига:

солиқлар бўйича (қўшилган қиймат солиги бундан мустасно) мавжуд ортиқча тўлов суммасини қайтариш уч кун муддатда амалга оширилади;

товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиги суммаларини ўзаро ҳисобга олиш тартиби татбиқ этилади.

5. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорнинг 4-бандида назарда тутилган рафбатлантириш чоралари давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди;

2024 йил 1 апрелдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига субсидия, имтиёз ва преференциялар уларнинг рейтинг даражасидан келиб чиқсан ҳолда жорий этилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда тадбиркорлик субъектларига субсидия, имтиёз ва преференцияларни тақдим қилишнинг янгиланган тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Платформанинг 2024 йил 1 февралдан тўлиқ ишга туширилишини таъминлаш мақсадида:

Олий суд ўзининг ахборот тизимлари платформага интеграция қилинишини таъминласин;

Солик қўмитаси Савдо-саноат палатасига платформадан фойдаланиш хукуқини берсин;

Савдо-саноат палатаси рейтинг маълумотларини ҳамда келиб тушаётган мурожаатларга тезкор жавоб берилишини мониторинг қилиб борсин ва маълумотларнинг очиқлигини таъминласин.

7. Жамоатчилик кенгашининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

Жамоатчилик кенгashi аъзоларини худудлар ва соҳаларга бириттирган ҳолда, 2024 йилнинг I чорагида тадбиркорлик субъектларига рейтинг тизими ва унинг имкониятларини ўргатиш бўйича семинарлар ўтказиш;

хар ҳафта мустақил экспертлар, мутахассислар ва аҳолининг фикри ва муносабатини акс эттирувчи таҳлилий ток-шоулар, мунозаралар, брифинглар, савол-жавоблар, видеороликлар ва бошқа тарғибот тадбирларини ташкил этиш;

рейтинг натижаларини ҳудудлар, соҳалар ва тоифалар кесимида ҳар чоракда Жамоатчилик кенгашида муҳокама қилиш ва аниқланган тизимли муммаларни ҳал этиш бўйича таклифларни киритиб бориш.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини юритиш тартибини тасдиқласин.

9. Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги мазмун-моҳиятни ёритиш ва уни жорий этишнинг ташкилий масалаларини ҳал этиш бўйича «йўл харитаси» иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

10. Савдо-саноат палатаси Солиқ қўмитаси ва Тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан биргаликда:

а) ҳар ҳафта тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар ўтказиб, ўрта, қониқарли ва қуёй барқарорлик рейтингидаги тадбиркорлик субъектларининг рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича уларга тизимли равища амалий ёрдам кўрсатиб борсин;

б) ҳар чоракда:

юқори барқарорлик рейтингидаги тадбиркорлик субъектлари фаолияти тўғрисида видеороликлар ва ташвиқот материалларини тайёрлаб, оммавий аҳборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритиб борсин ва маҳаллаларда тарғибот тадбирларини амалга оширсан;

юқори барқарорлик рейтингидаги тадбиркорлик субъектлари иштирокида умумий, ўрта маҳсус ва олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ёшлар учун ўқув курслари ва маҳорат дарсларини ташкил қилсан;

в) ҳар йили рейтинг кўрсаткичлари мезонлари ва уларни баҳолаш методикасини рейтинг натижаларининг холислигини таъминлаш нуқтаи назаридан Жамоатчилик кенгаши йиғилишларида таҳлил қилиб, уларни такомилластириб борсин.

11. Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий аҳборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси мазкур қарорнинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий аҳборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритсан.

12. Солиқ қўмитаси Савдо-саноат палатаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Кўчқоров белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолияти-

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 23 январь,
ПҚ-39-сон

УЧИНЧИ БЁЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИГ ҚАРОРИ

30 Юк ва йўловчиларни ташишда автотранспорт воситаларига йўл ва рақаларини электрон шаклда расмийлаштириш ва юритиш тизимини жорий этиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида ташишлар хавфисизлигини таъминлаш, ҳайдовчилар ва автотранспорт воситалари ишини хисобга олиш ва назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш, соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 141-бандида товар-моддий бойликларни ташиш учун товар-транспорт юк хатлари ва йўл ва рақаларини электрон шаклда расмийлаштириш тартибини жорий этиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2024 йил 1 апрелдан 2024 йил 1 октябрга қадар Юк ва йўловчиларни ташишда автотранспорт воситаларига йўл ва рақаларини электрон шаклда расмийлаштириш ва юритиш тизимини жорий этиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини (кейинги ўринларда — тажриба-синов лойиҳаси) амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсан.

Белгилансинки, тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш даврида:

электрон йўл ва рақалари Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг «Uztrans» ягона интерактив ахборот тизимининг «Электрон йўл ва рақа» автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда — электрон йўл ва рақалари тизими) орқали расмийлаштирилади ва юритилади;

электрон йўл ва рақалари ташкилий-хукуқий шакли ва мансублигидан катъи назар, автомобиль транспортида юк ва йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар томонидан мустақил равишда расмийлаштирилади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 24 январда эълон қилинган.

йўл варақаларининг қофоз шаклидан фойдаланишни чекламаган ҳолда унинг электрон кўринишига босқичма-босқич ўтиш таъминланади;

электрон йўл варақалари тизими шахсий енгил автомобилида йўналишсиз такси сифатида йўловчиларни ташиш билан шуфулланувчи жисмоний шахслар учун амал қилмайди;

электрон йўл варақалари тизими платформасини яратиш, жорий этиш ва унга хизмат кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган техник талаблар асосида манфаатдор ташкилотлар (миллий операторлар) танлов асосида жалб этилиши мумкин;

электрон йўл варақалари тизимидан фойдаланганлик учун йиғим ундирилмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда 2024 йил 1 апрелга қадар автомобиль транспортида юк ва йўловчи ташиш фаолияти билан шуфулланувчи юридик шахслар учун қулай электрон йўл варақалари тизими платформаси ишлаб чиқилишини ва жорий этилишини таъминласин.

4. Қўйидагиларни назарда тутивчи Юк ва йўловчиларни ташишда авто-транспорт воситаларига йўл варақаларини электрон шаклда расмийлаштириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

электрон йўл варақаларига қўйиладиган талаблар ва уларнинг турлари;

электрон йўл варақаларини расмийлаштириш, қайта ишлаш ва сақлаш;

электрон йўл варақалари юритилишини назорат қилиш ҳамда улар ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги 2024 йил якунига қадар мазкур қарорга асосан амалга ошириладиган тажриба-синов лойиҳаси натижаларидан келиб чиқиб, ижобий ва салбий ҳолатларини инобатга олган ҳолда электрон йўл варақалари тизимини такомиллаштириш ва йўл варақаларининг қофоз шаклидан тўлиқ воз кечиш юзасидан Вазирлар Махкамасига таклиф киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ва транспорт вазири И.Р. Махкамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 22 январь,
44-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 22 январдаги 44-сон қарорига
ИЛОВА

**Юк ва йўловчиларни ташишда автотранспорт
воситаларига йўл варақаларини электрон шаклда
расмийлаштириш ва юритиш тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом тижорат асосида юк ва йўловчиларни ташишда автотранспорт воситаларига йўл варақасини (кейинги ўринларда — электрон йўл варақаси) электрон шаклда расмийлаштириш ва юритиш тартибини белгилайди.

2. Электрон йўл варақаси Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг «Uztrans» ягона интерактив ахборот тизимининг «Электрон йўл варақа» автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда — электрон йўл варақаси тизими) орқали расмийлаштирилади ва юритилади.

Бунда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш учун расмийлаштириладиган йўл варақаси электрон ва анъанавий шаклда расмийлаштирилади ва юритилади.

3. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги;
электрон йўл варақаси тизими — электрон йўл варақасини расмийлаштириш, қайта ишлаш ва сақлаш функцияларини амалга оширувчи автоматлаштирилган ахборот тизими;

фойдаланувчи — электрон йўл варақаси тизимидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган, тижорат ва нотижорат асосида автотранспорт воситасида юк ва йўловчиларни ташиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар;

электрон йўл варақаси — ҳисобга олиш серияси ва тартиб рақамига эга бўлган, электрон йўл варақаси тизими орқали юритиладиган ва автотранспорт воситаларининг ишини белгилаб берувчи QR-код (матрик штрихли код) билан тасдиқланган асосий ҳужжат.

**2-боб. Электрон йўл варақасига қўйиладиган талаблар ва
уларнинг турлари**

4. Электрон йўл варақасида қўйидагилар тўғрисидаги мъълумотлар кўрсатилиши шарт:

йўл варақасининг тури, рақами, амал қилиш муддати, шунингдек, автотранспорт воситасининг русуми ва эгаси;

ташиш тури, юк тури, ҳайдовчининг кунлик тиббий кўрикдан ўтганлиги;

автотранспорт воситасининг созлиги ва техник кўрикдан ўтганлиги, ҳай-

довчига берилган ёқилғи міқдори, автотранспорт воситасидаги ёқилғи қолдиди;

шахар ва шахар атрофида мунтазам йўналишлардаги автобусга ўрнатилган валидаторлар орқали амалга оширилган тўловлар;

ҳайдовчининг иш соати, шу жумладан, кунлик ва ойлик, тунги вақтда, байрам ва дам олиш кунларида ишлаган соатлари, тежаган ва сарф қилган ёқилғиси міқдори, ҳайдовчига тўланган иш ҳақи;

ҳайдовчи томонидан содир этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилиши.

Электрон йўл варақасига киритиладиган маълумотлар фойдаланувчилар ҳамда уларнинг тегишли масъул ходимлари томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

5. Электрон йўл варақаси автотранспорт воситасидан фойдаланиш мақсади ҳамда ташиш турларига қараб қуидагиларга бўлинади:

а) автотранспорт воситасидан тижорат асосида йўловчи ва юк ташиш мақсадида фойдаланувчилар учун:

A-000000 — мунтазам йўналишларда йўловчи ташувчи автотранспорт воситалари учун;

B-000000 — буюртма асосида йўловчи ташувчи автотранспорт воситалари учун;

D-000000 — тижорат асосида фойдаланиладиган юк автотранспорт воситалари учун;

б) автотранспорт воситаларидан тижорат мақсадида фойдаланмасдан, ўз эҳтиёжлари учун фойдаланадиган юридик шахслар учун:

E-000000 — йўловчи ташувчи автотранспорт воситалари учун йўл варақаси;

F-000000 — юк ташувчи автотранспорт воситалари учун йўл варақаси.

Серия рақамидан олдин фойдаланувчининг рўйхатдан ўтган қуидаги ҳудудлар коди акс эттирилади:

Тошкент шаҳри — 01;

Тошкент вилояти — 10;

Сирдарё вилояти — 20;

Жиззах вилояти — 25;

Самарқанд вилояти — 30;

Фарғона вилояти — 40;

Наманган вилояти — 50;

Андижон вилояти — 60;

Қашқадарё вилояти — 70;

Сурхондарё вилояти — 75;

Бухоро вилояти — 80;

Навоий вилояти — 85;

Хоразм вилояти — 90;

Қорақалпоғистон Республикаси — 95.

6. Қуидаги ҳолатларда электрон йўл варақаси электрон йўл варақаси тизими орқали очилмайди:

фойдаланувчи мулк хуқуки ёки бошқа ашёвий хуқуқларга эга бўлмаган автотранспорт воситасидан фойдаланганда;

фойдаланувчи билан меҳнат шартномасига эга бўлмаган хайдовчилар учун йўл варақаси расмийлаштирилганда;

хайдовчи тегишли тоифадаги автотранспорт воситасини бошқариш учун хайдовчилик гувоҳномасига ёки қонунчилик ҳужжатларида белгиланган етарли меҳнат стажига эга бўлмаганда;

хайдовчи белгиланган тартибда дастлабки ва кейинчалик даврий тиббий қўриклардан ўтмаганда;

хайдовчининг хайдовчилик гувоҳномаси бекор қилинган даврда;

автотранспорт воситаси белгиланган тартибда даврий техник қўриқдан ўтказилмаганда;

автотранспорт воситасини мунтазам йўналишга ишга чиқаришда ташувчи ушбу йўналишда ишлаш хуқуқини берувчи тендер битимиға/брутто контрактга эга бўлмаганда;

автотранспорт воситасини буюртма асосида ишга чиқаришда ташувчи ушбу буюртмани амалга ошириш учун тегишли шартномага эга бўлмаганда.

3-боб. Электрон йўл варақасини очиш, қайта ишлаш ва сақлаш

7. Электрон йўл варақаси жорий календарь ойда очилади ва ойнинг охирги санасига қадар амал қиласди.

Фойдаланувчининг хохишига кўра ушбу муддат қисқартирилиши мумкин.

Электрон йўл варақасининг амал қилиш муддати тамом бўлгач, кейинги календарь ой учун янги йўл варақаси очилади.

8. Электрон йўл варақаси фойдаланувчи томонидан очилади ва унга ой якунига/йўл варақаси ёпилгунига қадар тегишли маълумотлар киритиб борилади.

9. Электрон йўл варақаси хақидаги маълумотлар ишга туширилган вақтдан бошлаб электрон йўл варақаси тизимида 5 йил сақланади.

4-боб. Электрон йўл варақаси юритилишини назорат қилиш

10. Ваколатли орган томонидан қўйидаги ҳолларда электрон йўл варақасининг амал қилиши тугатилади:

юридик шахс тугатилганда (тугатилган вақтдан бошлаб);

электрон йўл варақасини очиш учун нотўғри маълумотлар киритилганлиги аниқланганда.

11. Юридик шахс қайта ташкил этилганда, электрон йўл варақаси тизимида унга тегишли бўлган электрон йўл варақаси автоматик равишда фойдаланувчига ёки унинг хуқуқий ворисига қайта расмийлаштирилади.

12. Юк ва йўловчиларни автотранспорт воситасида ташишда электрон йўл варақаси мавжудлиги ҳамда ундаги маълумотларнинг тўғрилиги Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспек-

цияси ҳамда Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан назорат қилинади.

13. Электрон йўл варагаси Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси ҳамда Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан маҳсус мосламадан (планшет) фойдаланган ҳолда электрон йўл варагаси тизими орқали текширилади.

Бунда электрон йўл варагаси автотранспорт воситасининг давлат рақами, хайдовчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта) тўғрисидаги маълумотлар билан солиштириш орқали текширилади.

5-боб. Электрон йўл варагаси ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш

14. Электрон йўл варагаси ҳақидаги маълумотлар учинчи шахсларга тақдим этилиши тақиқланади.

15. Ваколатли орган томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, дастлабки тергов органлари ва суднинг ёзма сўровига асосан электрон йўл варагаси ҳақидаги маълумотлар тақдим этилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

16. Фойдаланувчилар электрон йўл варагасидаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

17. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИГ
ҚАРОРИ**

31 Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг таълим олишларини ташкил этиш ва уларни реабилитация қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган фуқароларнинг таълим олишга доир конституциявий хуқуқларининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг таълим олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларнинг таълим олишларини ташкил этишда бюрократизм, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 1 июндаги ПФ–82-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 1 июндаги ПФ–82-сон Фармони билан 2024 йил 1 августдан бошлаб алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар, кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидан Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги) тузилмасига ўтказилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

а) алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига йўллаш бўйича тиббий-психологик-педагогик комиссия ҳамда ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатларга йўллаш бўйича психологик-тиббий-педагогик комиссиялар негизида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари хузурида ягона психологик-тиббий-педагогик комиссияларни (кейинги ўринларда — ПТПК);

б) алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари, мактаб, мактаб-интернатларда кисқа муддатли таълим ва тарбия беришга мўлжалланган «Фамхўрлик» гурӯхларини;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 26 январда эълон қилинган.

2024 йил 1 февралдан Тошкент шаҳридаги ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари, мактаб, мактаб-интернатларда;

2024 йил 1 апрелдан Тошкент вилоятидаги ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари, мактаб, мактаб-интернатларда;

2024 йил 1 августдан республиканинг қолган ҳудудларидаги мактабгача таълим ташкилотлари, мактаб, мактаб-интернатларда ташкил этиш;

в) 2024 йил 1 апрелдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш ҳудудий марказларида болалар реабилитацияси бўлимларини (кейинги ўринларда — Реабилитация бўлимлари) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсан.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) болаларнинг алоҳида таълим эҳтиёжларига муҳтожлиги ПТПК томонидан аниқланади. Бунда:

ПТПК хulosасини олиш учун ариза боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (кейинги ўринларда — қонуний вакиллар) томонидан уларнинг яшаш жойидаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг туман (шаҳар)лардаги «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларига ёки ҳудудга биректирилган ижтимоий ходимга тақдим этилади;

болаларни ПТПК кўригидан ўтказиш учун ҳужжатларни шакллантиришда боланинг тугилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси, қонуний вакилларининг биометрик паспорти/идентификацияловчи ID-карта маълумотлари ҳамда боланинг таълим олганлиги тўғрисидаги маълумотлар «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали олинади;

б) 2024 йил 1 августдан бошлаб:

ПТПК томонидан ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг ПТПК кўриги ўтказилишидан камида 3 кун олдин қонуний вакилларга алоқа воситалари, шу жумладан, «SMS» хабарнома орқали болани кўридан ўтказиш санаси, вақти ва жойи кўрсатилган хабар юборилади;

ПТПК хulosаси асосида ПТПК котиби томонидан бола унинг қонуний вакиллари билан келишган ҳолда, тегишли ихтисослаштирилган таълим муассасасида рўйхатдан ўтказилади ва навбатга киритилади;

в) «Фамхўрлик» гурухлари фаолияти мактабгача таълим ташкилотлари, мактаб, мактаб-интернатлари ҳамда санаторий туридаги ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларини мақбулаштириш муносабати билан бўшаётган маблаглар ҳисобидан, 2025 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ихтисослаштирилган таълим муассасалари учун ажратиладиган маблаглар ҳисобидан молиялаштирилади.

Бунда «Фамхўрлик» гурухлари учун штат бирликлари Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан келишилган ҳолда белгиланади;

г) Реабилитация бўлимларига болалар педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг хulosаси асосида юборилади.

Бунда Реабилитация бўлимлари учун штат бирликлари Ижтимоий ҳимоя

миллий агентлиги томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

4. Қўйидагилар:

Психологик-тиббий-педагогик комиссиялар тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Психологик-тиббий-педагогик комиссияларнинг намунавий таркиби 2-иловага* мувофиқ;

«Фамхўрлик» гурӯҳлари тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказларининг болалар реабилитация бўлимлари учун зарур жиҳозлар рўйхати 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

5. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги 2024 йил 1 августга қадар:

Рақамли технологиялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг 3-бандида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган дастурий таъминотни такомиллаштириш ва ўзаро интеграция қилиш чораларини кўрсин;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ПТПКлар ва «Фамхўрлик» гурӯҳлари фаолиятини амалга ошириш учун зарур жиҳозлар ва инвентарь билан таъминласин;

Реабилитация бўлимларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

6. Белгилансинки:

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари томонидан ПТПК аъзоларига ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 50 фоизи миқдорида республика бюджети маблағлари хисобидан ҳақ тўланади;

«Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимида ПТПКлар фаолиятини рақамлаштириш, боланинг ПТПКдан ўтиш тўғрисидаги «SMS» хабарномани юбориш ва ушбу қарорнинг 5-бандида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан қопланади.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ПТПКга жалб қилинган мутахассисларга устамалар тўлаш, Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш ҳудудий марказларида ташкил этилаётган Болалар реабилитацияси бўлимларини сақлаш ва жиҳозлаш учун зарур маблағларни ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетини шакллантиришда назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

* 2, 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

публикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 25 январь,
46-сон

Вазирлар Махкамасининг
2024 йил 25 январдаги 46-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Психологик-тиббий-педагогик комиссиялар тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган (кейинги ўринларда — алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган) болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига, мактаб, мактаб-интернатларга йўллаш бўйича психологик-тиббий-педагогик комиссияларнинг (кейинги ўринларда — ПТПК) ўналиши, мақсад ва вазифалари ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. ПТПКлар Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ижтимоий химоя миллий агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари (кейинги ўринларда — худудий бошқармалар) хузурида ташкил этилади.

3. ПТПКлар ўз фаолиятини қўйидаги ўналишларда амалга оширади:
болаларда алоҳида таълимга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш;
комплекс психологик-тиббий-педагогик текширув ўтказиш ва текширув натижалари бўйича уларни ихтисослаштирилган таълим муассасаларига жойлаштириш;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни давлат таълим муассасаларига юбориш учун хулоса бериши.

4. ПТПКлар ўз фаолиятини:
холислик, шаффоффлик, ошкоралик ва бамаслаҳат ишлаш тамойиллари асосида;

юридик шахс мақомисиз, доимий фаолият кўрсатувчи коллегиал орган шаклида олиб боради.

5. Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар ихтисослаштирилган таълим муассасаларига мазкур Низомга 1-иловага* мувофиқ схема асосида йўлланади.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2-боб. ПТПКнинг мақсад ва вазифалари

6. 2 ёшдан 18 ёшгacha алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни комплекс психолого-тиббий-педагогик текширувдан ўтказиш ҳамда давлат таълим муассасаларига юбориш учун хулоса бериш ПТПКнинг асосий мақсади хисобланади.

7. ПТПК қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

боланинг алоҳида таълимга эҳтиёжларини аниқлаш учун ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (кейинги ўринларда — қонуний вакиллар) иштирокида кўриқдан ўтказади;

болалар кўриқдан ўтказишида у билан бевосита мулокот қилади ва ундаги нуқсонларни тасдиқловчи ҳужжатларни ўрганади;

боланинг ривожланишидаги жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари ҳақида яшаш жойидаги шифохона врачлари томонидан қўйилган ташхиснинг ишонччилигини ўрганади;

боланинг ривожланишидаги нуқсонларни комплекс равишда текшириш натижалари асосида унинг имкониятларини аниқлайди;

боланинг алоҳида таълимга бўлган эҳтиёжлари асосида уни тегишли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти, қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилотларидағи ихтисослаштирилган ва инклузив гуруҳларига, ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларига, инклузив шароитда таълим олиши учун умумтаълим ташкилотига, «Муруват» ногиронлиги бўлган болалар учун интернат ўйларига, имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар мактабларига юбориш учун хулоса беради;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни давлат таълим муассасасидан бошқа муассасага (бошқа ихтисослаштирилган таълим муассасасига, инклузив шароитда таълим олиши учун умумтаълим муассасасига, «Муруват» ногиронлиги бўлган болалар учун интернат ўйларига, соғлиқни сақлаш муассасаларида) ўтказиш ҳамда уйда якка тартибда таълим бериш ташкил қилиниши юзасидан хулоса беради;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар билан ишлайдиган педагог, психолог, тиббиёт ходимлари ҳамда қонуний вакилларга зарур маслаҳатлар беради;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

3-боб. ПТПК фаолиятини ташкил этиш

8. ПТПК унинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва ПТПК аъзоларидан иборат 11 кишилик таркибда тузилади.

9. ПТПК таркиби Агентликнинг, соғлиқни сақлаш, мактабгача ва мактаб таълими худудий бошқармалари томонидан ҳар йили 20 майга қадар қўшма қарорга асосан тузилади ва тасдиқланади.

10. ПТПКга раис — Агентликнинг худудий бошқарма бошлигининг ногиронлиги бўлган шахсларнинг функционаллигини баҳолаш бўйича ўринбосари раҳбарлик қиласи.

Худудий соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ўринбосари ПТПК раисининг ўринбосари этиб тайинланади.

ПТПК таркибига олий психолигик, тиббий, педагогик маълумотга эга бўлган юқори малакали мутахассислар — педиатр, невролог, психоневролог, ортопед, офтальмолог, отоларинголог врачлар, маҳсус педагоглар, психолог киритилади.

11. ПТПК раиси:

ушбу Низомга мувофиқ ПТПК ишини ташкил этади ва унинг фаолиятига раҳбарлик қиласди;

ПТПК аъзоларига бажариш мажбурий бўлган топшириклар беради, уларнинг бажарилишини назорат қиласди;

ПТПКнинг иш жадвалини тасдиқлайди, йиғилиш ўтказишнинг вақти ва жойини белгилайди;

ПТПК ишини ташкил этишни такомиллаштиришга доир таклифлар киритади.

12. ПТПК раиси қўйидагилар учун жавобгар хисобланади:

ПТПК фаолиятини ушбу Низомга мувофиқ ташкил этиш;

вазифаларни бажариши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган ва болалар ҳамда уларнинг қонуний вакиллари хуқуқлари ва манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этмаслик;

текширув ўтказиша болалар ҳаёти ва соғлиги хавфсизлигини таъминлаш.

13. ПТПК йиғилишини ўтказиш даврийлиги ПТПК раиси томонидан аризалар сонидан келиб чиқиб (агар аризалар сони камида 70 та бўлса), лекин ҳар ойда камида бир марта йиғилиш ўтказилишини хисобга олган холда тасдиқланади.

ПТПК барча аъзолари йиғилишда иштирок этишлари шарт. Тасдиқланган рўйхатда кўрсатилган мутахассис бўлмаган тақдирда, ушбу соҳадаги бошқа мутахассис ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ишончнома асосида юборилади. Бу ҳақда комиссия раиси ва котиби олдиндан хабардор килинади.

ПТПК котиби ПТПК аъзоларини ва боланинг қонуний вакилларини ПТПК кўриги ўтказилишидан камида уч кун олдин хабардор қиласди.

ПТПК сайёр йиғилишлар ўтказишга ҳақли.

14. ПТПК йиғилишида ПТПК аъзоларининг хулосалари асосида қарор қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади.

Баённома ПТПКнинг барча аъзолари томонидан имзоланади.

ПТПК аъзолари йиғилишларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишда ўз ваколатларини бошқа шахсларга юклатиш ҳуқуқисиз иштирок этади.

15. Болани таълим муассасаларига юбориш бўйича хулоса қабул қилинган тақдирда, унда ушбу муассасаларда бола билан олиб бориладиган таълим-тарбия ва даволаш-тузатиш ишлари бўйича тавсиялар ҳам кўрсатилиши мумкин.

16. Текширув натижалари, шунингдек, ПТПКда болаларни текшириш билан боғлиқ маълумотлар махфий ҳисобланади. Болаларнинг қонуний вакиллари розилигисиз ушбу маълумотларнинг бошқа шахсларга берилишига йўл қўйилмайди, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

17. Болаларни текшириш, уларнинг қонуний вакилларига ПТПК мутахассислари томонидан маслаҳат бериш бепул амалга оширилади.

18. ПТПК котиби болани текшириш баённомасининг асл нусхасини сақланишини таъминлайди.

19. ПТПК фаолиятини амалга ошириш учун Агентликнинг ҳудудий бошқармалари томонидан зарур жиҳозлар ва инвентарь билан жиҳозланган хона ажратилади.

4-боб. Аризаларни қабул қилиш ва ПТПКнинг хulosасини бериш тартиби

1-§. Аризаларни қабул қилиш ва ПТПКга юбориш

20. ПТПК хulosасини олиш учун қонуний вакиллар яшаш жойидаги «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларига ёки ҳудудга бириктирилган ижтимоий ходимларга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) ариза;

б) боланинг ўқиши жойидан таълим муддати, ўқув фанларини ўзлаштириши ва хулқ-атвори, болага якка тартибда кўмак бериш борасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг батафсил таҳлили акс эттирилган маълумотнома ва тавсифнома (таълим муассасаларида ўқиган болалар учун);

в) даволаш-профилактика муассасасининг бош врачи томонидан имзолangan боланинг ривожланиши тарихидан батафсил кўчирма, қўйидаги мутахассисларнинг хulosалари билан бирга:

боланинг умумий ривожланиш ҳолати тўғрисидаги педиатр хulosаси;

психоневрологик марказнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган психоневролог хulosаси (фақат нутқий, психик ва ақлий ривожланишда нуқсонлари бўлган болалар учун);

отоларингологнинг хulosаси (фақат эшлишида оғир нуқсонлар бўлган болалар учун) ҳамда қулоқ, томок, бурун ва талаффуз артикуляциясида иштирок этувчи органларнинг ҳолатига тавсифи, нутқ ва шивирлаб айтилган гапни қабул қилиш ҳақидаги маълумотлар, аудиограмма маълумотлари;

офтальмологнинг хulosаси (фақат кўришида оғир нуқсонлар бўлган болалар учун) ҳамда ташхиснинг кенг изоҳи билан кўриш органларининг тавсифи;

ортопед-травматологнинг хulosаси (фақат таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонлар бўлган болалар учун) ҳамда ташхиснинг кенг изоҳи билан рентгенологик тадқиқот маълумотлари;

дефектолог-логопеднинг хulosаси (фақат нутқида оғир нуқсонлар бўлган болалар учун) ҳамда тил тизимининг ҳар бир компоненти шаклланиш даражаси кўрсатилган ҳолда нутқ ривожи тавсифи.

Боланинг ривожланиши тарихидан кўчирманинг ишончлилиги учун шахсий жавобгарлик уни тасдиқлаган даволаш-профилактика муассасасининг бош врачига юкландади.

21. Ариза келиб тушгандан сўнг бола тўғрисидаги қўйидаги хужжат ва маълумотлар уч иш куни ичида «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари томонидан «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинади:

боланинг қонуний вакилларининг шахси тўғрисида паспорт (идентификация ID-карта) маълумотлари;

боланинг тугилганлик хақидаги маълумотлар;

ногиронлик тўғрисидаги хулоса (агар ногиронлик мавжуд бўлса).

22. «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари томонидан ҳар бир бола бўйича шакллантирилган шахсий хужжатлар йифмажилди уч иш куни ичида ПТПКга тақдим этилади.

23. Мазкур Низомнинг 20 ва 21-бандларида кўрсатилган хужжатлари шакллантирилган бола ПТПКнинг навбатдаги йиғилишида текширувдан ўтказилади.

2-§. ПТПК текширувини ўтказиш ва хулоса бериш

24. ПТПК котиби ҳар бир бола бўйича шакллантирилган шахсий хужжатлар йифмажилдни қабул қилиб олади ва ПТПКнинг навбатдаги йиғилишига киритади.

25. Текширувга олиб келинган болалар ПТПК томонидан уларнинг индивидуал хусусиятлари, ёши, жинси, жисмоний ва психик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда комплекс текширувдан ўтказилиши лозим.

26. Боланинг тиббий картасида кўрсатилган маълумотлар асосида болалар ПТПКнинг ҳар бир мутахассиси томонидан якка тартибда ёки бир нечта мутахассислар томонидан бир вактда текширувдан ўтказилади.

27. ПТПК томонидан мазкур Низомнинг 20-бандида кўрсатилмаган хужжатлар ва маълумотларни талаб этиш тақиқланади.

28. ПТПК аъзолари томонидан болаларни кўриқдан ўтказиш, улар билан бевосита мулокот қилиш ва улардаги нуқсонларни тасдиқловчи хужжатларни ўрганиш натижасида уларнинг алоҳида таълимга бўлган эҳтиёjlари асосида тегишли таълим муассасаларига юбориш юзасидан хулоса берилади.

ПТПК томонидан берилган хулосаларнинг асослилиги учун ПТПК раиси ва аъзолари жавобгар ҳисобланади.

29. ПТПКнинг хулосасида қўйидагилар кўрсатилади:

боланинг тугилганлик хақидаги гувоҳномаси маълумотлари;

бала қонуний вакилларининг паспортига оид маълумотлар;

боланинг яшаш манзили;

хулоса, болага қўйилган ташхис билан (Халқаро касалликлар таснифи «10-қайта кўриш» шифрини кўрсатган ҳолда);

тавсия этилган таълим муассасаси;

боланинг таълим муассасаларида бўлиш муддати.

30. 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларга хулоса боланинг ривожланишида

жисмоний ёки психик нуқсонининг оғирлик даражасига қараб 6 ой ёки 1 йил муддатга берилади.

Агарда бола жорий ўкув йили давомида 7 ёшга тўлса унга, жорий ўкув йили якунига қадар бўлган муддатга (муддат кўрсатилган ҳолда) берилади.

Болани ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатларга ёки инклюзив таълим ташкил этилган умумтаълим муассасаларга юбориш бўйича хулосада боланинг маҳсус таълимга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ушбу муассасаларда бўлиш муддатлари кўрсатилади. Бунда, мазкур муддат 3 йилдан ошмаслиги керак.

Бу муддат давомида бола таълим муассасасининг педагогик кенгаши ёки психологик-тиббий-педагогик кенгаши тавсияси бўйича ПТПК томонидан қайта текширувдан ўтказилиши мумкин.

Хулосада кўрсатилган боланинг ихтисослаштирилган таълим муассасасида бўлиш муддати тугаганидан кейин ушбу ташкилотда унинг бўлиш муддатини узайтириш ёки уни умумий турдаги таълим муассасасига (гурух/синф) ўтказиш масаласи ПТПК томонидан мазкур Низомда белгиланган тартибда қайтадан текширувдан ўтказиш натижасида белгиланади.

31. ПТПКнинг давлат мактабгача таълим ташкилотига юбориш тўғрисидаги хулосаси ушбу Низомга 2-иловада кўрсатилган тиббий кўрсатмалар бўйича ривожланишида жисмоний ёки психик нуқсонлар бўлган қўйидаги ёш тоифаларидаги болаларга берилади:

кўришида оғир нуқсонлар бўлган болалар учун — 3 ёшдан 7 ёшгacha;
эшитишда оғир нуқсонлар бўлган болалар учун — 2 ёшдан 7 ёшгacha;
таянч-харакат аппаратида нуқсонлар бўлган болаларга — 2 ёшдан 7 ёшgacha;

нутқида оғир нуқсонлар бўлган болаларга — 3 ёшдан 7 ёшgacha;
психик ривожланишда кечикаётган болаларга — 3 ёшдан 7 ёшgacha;
ақлий ривожланишда нуқсонлари бўлган болаларга — 3 ёшдан 7 ёшgacha;
туғма ва ирсий касалликлар (Даун синдроми, Шерешев-Тернер синдроми, Клайнфельтер синдроми, спинал амиотрофиялар, Корнеллии-де Ланге синдроми, Вильямс синдроми, Прадера-Вилли синдроми, Нунан синдроми) туфайли ривожланишда нуқсонлари бўлган болаларга — 2 ёшдан 7 ёшgacha.

32. Қўйидаги нуқсонлари мавжуд бўлган болаларга давлат мактабгача таълим ташкилоти тўлиқ кунли гурухларга юбориш тўғрисидаги хулоса берилмайди:

оғир ва чуқур даражадаги ақли заифлик;
шизофрения, ҳиссий ироданинг чуқур бузилишлари;
тез-тез такрорланувчи умумлашган эпилептик хуружлар;
турли сабабли психопатия ва психопатсимон ҳолатларнинг оғир шакллари;
юрак-қон томир, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш тизимининг хуруж ва декомпенсация босқичи.

33. ПТПКнинг ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатларга ёки инклюзив таълим ташкил этилган умумтаълим муассасаларга юбориш тўғрисидаги хулосаси ушбу Низомга 3-иловада кўрсатилган ривожланишида

жисмоний ёки психик нуқсонлар бўлган қўйидаги ёш тоифаларида болаларга берилади:

кўришида оғир нуқсонлар бўлган болаларга — 6 ёшдан 18 ёшгача (6 ёшдан тайёрлов гуруҳига);

эшитишида оғир нуқсонлар бўлган болаларга — 6 ёшдан 18 ёшгача (6 ёшдан тайёрлов гуруҳига);

таянч-харакат аппаратида нуқсонлар бўлган болаларга — 7 ёшдан 18 ёшгача;

аутизм билан касалланган болаларга — 6 ёшдан 16 ёшгача (6 ёшдан тайёрлов гуруҳига);

ақлий ривожланишда нуқсонлари бўлган болаларга — 6 ёшдан 16 ёшгача (6 ёшдан тайёрлов гуруҳига).

34. Қўйидаги нуқсонлари мавжуд бўлган болаларга мактаб, мактаб-интернатлар синфларига юбориш тўғрисидаги хulosса берилмайди:

оғир ва чуқур даражадаги ақлий заифлик;

шизофрения, ҳиссий ироданинг чуқур бузилишлари;

тез-тез такрорланувчи умумлашган эпилептик хуружлар;

турли сабабли психопатия ва психопатсимон ҳолатларнинг оғир шакллари;

асаб тизимининг органик шикастланганлиги сабабли сийдик ва нажас ушлаб туролмаслик;

юрак-қон томир, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш тизимининг хуруж ва декомпенсация босқичи.

35. ПТПКнинг ихтисослаштирилган кўп тармоқли мактабгача таълим ташкилотида ташкил этилган қисқа муддатли таълим ва тарбия беришга мўлжалланган «Фамхўрлик» гуруҳларига юбориш тўғрисидаги хulosаси ушбу Низомга 2-иловада кўрсатилган ривожланишида жисмоний ёки психик нуқсонлар бўлган қўйидаги ёш тоифаларида болаларга берилади:

оғир ва чуқур даражадаги ақлий заифлик — 3 ёшдан 7 ёшгача;

шизофрения, ҳиссий ироданинг чуқур бузилишлари — 3 ёшдан 7 ёшгача;

тез-тез такрорланувчи умумлашган эпилептик хуружлари кузатиладиган психик ёки ақлий ривожланишдаги нуқсонлар бўлган болалар — 3 ёшдан 7 ёшгача;

турли сабабли психопатия ва психопатсимон ҳолатларнинг оғир шакллари — 3 ёшдан 7 ёшгача;

кўр-кар-соқовлик — 3 ёшдан 7 ёшгача.

ПТПКнинг ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатларида ташкил этилган қисқа муддатли таълим ва тарбия беришга мўлжалланган «Фамхўрлик» гуруҳларига юбориш тўғрисидаги хulosаси ушбу Низомга 3-иловада кўрсатилган ривожланишида жисмоний ёки психик нуқсонлар бўлган қўйидаги ёш тоифаларида болаларга берилади:

оғир ва чуқур даражадаги ақлий заифлик — 6 ёшдан 16 ёшгача;

шизофрения, ҳиссий ироданинг чуқур бузилишлари — 6 ёшдан 16 ёшгача;

тез-тез такрорланувчи умумлашган эпилептик хуружлари кузатиладиган ақлий ривожланишдаги нуқсонлар бўлган болалар — 6 ёшдан 16 ёшгача;

турли сабабли психопатия ва психопатсимон ҳолатларнинг оғир шакллари — 6 ёшдан 16 ёшгача;

кўр-кар-соқовлик — 6 ёшдан 16 ёшгача.

36. ПТПКнинг баённомалари ва хулосаси текширув ўтказилган кун расмийлаштирилади ҳамда унинг аъзолари томонидан имзоланади.

37. ПТПКнинг хулосаси асосида ПТПК котиби болани бир иш куни давомида:

а) тегишли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти ёки қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилотига «Болалар боғчаси» мактабгача таълим ахборот тизимининг маҳсус ишлаб чиқилган хизмати орқали;

б) қонуний вакиллар билан келишган ҳолда тегишли мактаб, мактаб-интернатларга ёки инклюзив таълим ташкил этилган умумтаълим муассасаларида «my.maktab.uz» электрон платформаси орқали рўйхатдан ўтказади ва навбатга киритади.

Рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний вакилларга бола навбатга жойлаштирилганлиги ёки ихтисослаштирилган таълим муассасасига рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида алоқа воситалари, шу жумладан, «SMS» хабарнома, электрон почта орқали хабар берилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасасига рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида хабар олгандан сўнг қонуний вакиллар бола билан биргаликда тегишли ихтисослаштирилган таълим муассасасига ўн беш иш куни ичида келиши шарт.

5-боб. Якунловчи қоидалар

38. ПТПК фаолияти устидан назорат Агентлик, Агентлик ҳузуридаги Ижтимоий инспекция, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан амалга оширилади.

39. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Психологик-тиббий-педагогик
комиссиялар түғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосасини бериш
учун асос бўладиган тиббий кўрсатмалар (мактабгача таълим
ташкилотлари учун)
РЎЙХАТИ**

Касалликлар номи

I. Психик ривожланишдаги нуқсонлар:

1. Рухий ривожланишнинг аралаш специфик бузилишлари (психик ривожланишда кечикиш) F83;
2. Болалар аутизми F84.0.

II. Ақлий ривожланишдаги нуқсонлар:

1. Енгил даражадаги ақлий заифлик F70;
2. Ўрта даражадаги ақлий заифлик F71.

III. Нутқдаги нуқсонлар:

1. Экспрессив нутқнинг бузилиши (нутқ ривожланишининг биринчи даражали мотор алалияси) F80.1;
2. Рецептив нутқнинг бузилиши (сенсор алалия) F80.2;
3. Ринолалия (нутқ аппаратининг коррекция бўйича операциялардан кейинги холат) R49.2;
4. Ўртacha ва оғир даражадаги дудуклик F98.5;
5. Дизартрия (марказий нерв тизимининг органик шикастланиши билан) R47.1;
6. Болалар афазияси F80.3.

IV. Кўришида нуқсонлар:

1. Кўзи ожизлик (амовроз) H54.1;

2. Туғма нуқсонлар:

микрофталм, микрокорнеа, анофталм;
тўр пардасининг ривожланишидаги туғма нуқсонлар;
колобома, чала туғилган болалар ретинопатияси;
кўриш нервининг атрофияси H47.2;
кўриш нерви диск ва макуласининг оғир даражадаги гипоплазияси;
альбинизм;
аниридия, кўриш ўткирлиги 0,4 гача (коррекциядан сўнг).

3. Катаракта H26.0:

марказий зонада тўлиқ ёки қисман хиралашиш, кўриш ўткирлиги 0,4 гача (коррекциядан сўнг);

артифакия H27.0, афакия (кўз гавҳари ўқклиги, кўриш ўткирлиги 0,4 гача коррекциядан сўнг);

кўз гавҳари силжиши (жойи ўзгариши).

4. Глаукома Н40-42 (тумса, иккиламчи);
5. Тумса миопиянинг юқори даражаси, гиперметропиянинг юқори даражаси;
6. Түр пардасининг кўчиши;
7. Нистагма Н55 (кўриш ўткирлиги 0,4 гача коррекциядан сўнг).

V. Эшлишида нуқсонлар Н90.3:

1. Нейросенсор эшлиши заифлигининг II даражаси (эшлишининг 41 — 55 дб гача пасайиши) (қулоқни протезлаш);
2. Нейросенсор эшлиши заифлигининг III даражаси (эшлишининг 56 — 70 дб гача пасайиши (қулоқни протезлаш);
3. Нейросенсор эшлиши заифлигининг III-IV даражаси (эшлишининг 71 — 90 дб гача пасайиши);
4. Нейросенсор эшлиши заифлигининг IV даражаси (эшлишининг 91 дб гача пасайиши);
5. Карлик ёки кар-соқовлик (эшлишининг 91 дб дан ортиқ пасайиши).

VI. Таянч-ҳаракат аппарати нуқсонлари:

1. 3 ва 4 даражали сколиоз (тумса ва орттирилган);
2. Кўкрак қафасининг 3 ва 4 даражали гирдобсимон деформацияси;
3. Кўкрак қафасининг 3 ва 4 даражали қилсимон деформацияси;
4. 3 ва 4 даражали кифоз;
5. Артргрипоз;
6. Болалар церебрал фалажи (БЦФ) (GMFCS классификациясига кўра 3-4 даражада) ва бошқа неврологик патологиялар оқибатида ортопедик деформациялари;
7. Бош ва орқа мия касалликлари оқибатида келиб чиқувчи ортопедик деформациялар (моноплегиялар бундан мустасно);
8. Остеомиелит асоратлари (жарроҳлик муолажасидан кейинги ҳолатлар);
9. Оғир тумса маймоқлик (жарроҳлик муолажасидан кейинги ҳолатлар);
10. Кўл ва оёқларда жароҳатдан кейинги бўғимлар оғир даражадаги контрактураси;
11. Скелетнинг тизимли касалликлари (ахондроплазия, дисхондроплазия, хондродистрофия);
12. Тумса сон чиқиши (оператив даволашдан кейинги ҳолат);
13. Тумса ривожланиш аномалияси оқибатида ампутацион чўлтоқлик (таянч-ҳаракат функционал етишмовчилигига олиб келадиган).

**Ихтисослаштирилган кўп тармоқли мактабгача таълим
ташкилотларида ташкил қилинадиган «Фамхўрлик» гуруҳларига
психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосасини бериш учун
асос бўладиган тиббий кўрсатмалар
РЎЙХАТИ**

1. Оғир ва чуқур даражадаги ақли заифлик;
2. Шизофрения, ҳиссий ироданинг чуқур бузилишлари;
3. Тез-тез такрорланувчи умумлашган эпилептик хуружлари кузатиладиган психик ёки ақлий ривожланишдаги нуқсонлар бўлган болалар;
4. Турли сабабли психопатия ва психопатсимон ҳолатларнинг оғир шакллари;
5. Кўр-кар-соқовлик.

Психологик-тиббий-педагогик
комиссиялар тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

**Психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосасини
бериш учун асос бўладиган тиббий кўрсатмалар
(мактаб, мактаб-интернатлар учун)
РЎЙХАТИ**

Касалликлар номи

I. Психик ривожланишдаги нуқсонлар:

Болалар аутизми F84.0.

II. Ақлий ривожланишдаги нуқсонлар:

1. Енгил даражадаги ақлий заифлик F70;
2. Ўрта даражадаги ақлий заифлик F71.

III. Кўришида нуқсонлар:

1. Кўзи ожизлик (амовроз) H54.1;

2. Туғма нуқсонлар:

микрофальм, микрокорнеа, анофальм;

тўр пардасининг ривожланишидаги туғма нуқсонлар;

колобома, чала туғилган болалар ретинопатияси;

кўриш нервининг атрофияси H47.2;

кўриш нерви диск ва макуласининг оғир даражадаги гипоплазияси;

альбинизм;

аниридия, кўриш ўткирлиги 0,4 гача (коррекциядан сўнг).

3. Катаракта H26.0:

марказий зонада тўлиқ ёки қисман хиралашиш, кўриш ўткирлиги 0,4 гача (коррекциядан сўнг);

артифакия Н27.0, афакия (кўз гавҳари йўқлиги, кўриш ўткирлиги 0,4 гача коррекциядан сўнг);

кўз гавҳари силжиши (жойи ўзгариши).

4. Глаукома Н40-42 (туфма, иккиламчи);

5. Туфма миопиянинг юқори даражаси, гиперметропиянинг юқори даражаси;

6. Тўр пардасининг кўчиши;

7. Нистагм Н55 (кўриш ўткирлиги 0,4 гача коррекциядан сўнг).

IV. Эшитишида нуқсонлар Н90.3:

1. Нейросенсор эшитиш заифлигининг II даражаси (эшитишининг 41 — 55 дб гача пасайиши) (қулоқни протезлаш);

2. Нейросенсор эшитиш заифлигининг III даражаси (эшитишининг 56 — 70 дб гача пасайиши (қулоқни протезлаш);

3. Нейросенсор эшитиш заифлигининг III-IV даражаси (эшитишининг 71 — 90 дб гача пасайиши);

4. Нейросенсор эшитиш заифлигининг IV даражаси (эшитишининг 91 дб гача пасайиши);

5. Карлик ёки кар-соқовлик (эшитишининг 91 дб дан ортиқ пасайиши);

6. Кохлеар имплантациядан кейин.

V. Таянч-ҳаракат аппарати нуқсонлари:

1. 3 ва 4 даражали сколиоз (туфма ва орттирилган);

2. Кўкрак қафасининг 3 ва 4 даражали гирдобсимон деформацияси;

3. Кўкрак қафасининг 3 ва 4 даражали қилсимон деформацияси;

4. 3 ва 4 даражали кифоз;

5. Артгрогрипоз;

6. Болалар церебрал фалажи (БЦФ) (GMFCS классификациясига кўра 3-4 даражада) ва бошқа неврологик патологиялар оқибатида ортопедик деформациялари;

7. Бош ва орқа мия касаллклари оқибатида келиб чиқувчи ортопедик деформациялар (моноплегиялар бундан мустасно);

8. Остеомиелит асоратлари (жарроҳлик муолажасидан кейинги холатлар);

9. Кўл ва оёқларда жароҳатдан кейинги бўғимлар оғир даражадаги контрактураси;

10. Ортопедиядаги суюк скелетининг тизим касаллклари (ахондроплазия, дисхондроплазия, хондродистрофия);

11. Туфма ривожланиш аномалияси оқибатида ампутацион чўлтоқлик (таянч-ҳаракат функционал етишмовчилигига олиб келадиган).

**Ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатларида ташкил
қилинадиган «Famxўрлик» гуруҳларига психологик-тиббий-
педагогик комиссия хulosасини бериш учун асос бўладиган
тиббий кўрсатмалар
РЎЙХАТИ**

1. Оғир ва чуқур даражадаги ақли заифлик;
2. Шизофрения, ҳиссий ироданинг чуқур бузилишлари;
3. Тез-тез такрорланувчи умумлашган эпилептик хуружлари кузатиладиган ақлий ривожланишдаги нуқсонлар бўлган болалар;
4. Турли сабабли психопатия ва психопатсимон ҳолатларнинг оғир шакллари;
5. Кўр-кар-соқовлик.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 25 январдаги 46-сон қарорига
3-ИЛОВА

«Фамхўрлик» гуруҳлари тўғрисидаги НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари, давлат ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлардаги (кейинги ўринларда — ихтисослаштирилган таълим муассасалари) «Фамхўрлик» гуруҳларнинг (кейинги ўринларда — «Фамхўрлик» гуруҳи) мақсадлари, вазифалари ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. «Фамхўрлик» гуруҳи фаолияти мазкур Низом ва ихтисослаштирилган таълим муассасалари устави, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

3. «Фамхўрлик» гуруҳи фаолияти жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган, бироқ соғлигининг ҳолатига кўра алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти, қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилотларидағи ихтисослаштирилган ва инклюзив гуруҳларига, ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларига, инклюзив шароитда таълим олиши учун умумтаълим ташкилотига, «Муруват» ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйларига, имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар мактабларида таълим олишга руҳсат этилмаган болаларга (кейинги ўринларда — алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар) қисқа муддатли таълим ва тарбия бериш ҳамда парваришлаш мақсадида ташкил этилади.

4. Қўйидаги нуқсонлари мавжуд 3 ёшдан 7 ёшгacha бўлган болалар ихтисослаштирилган кўп тармоқли мактабгача таълим ташкилотида ташкил этилган «Фамхўрлик» гуруҳларига қабул қилинади:

офир ва чуқур даражадаги ақлий заифлик;

шизофрения, ҳиссий ироданинг чуқур бузилишлари;

тез-тез такрорланувчи умумлашган эпилептик хуружлари кузатиладиган психик ёки ақлий ривожланишдаги нуқсонлар бўлган болалар;

турли сабабли психопатия ва психопатсимон ҳолатларнинг оғир шакллари;

кўр-кар-соқовлик.

5. Қўйидаги нуқсонлари мавжуд 6 ёшдан 16 ёшгacha бўлган болалар ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатларида ташкил этилган «Фамхўрлик» гуруҳларига қабул қилинади:

офир ва чуқур даражадаги ақлий заифлик;

шизофрения, ҳиссий ироданинг чуқур бузилишлари;

тез-тез такрорланувчи умумлашган эпилептик хуружлари кузатиладиган ақлий ривожланишдаги нуқсонлар бўлган болалар;

турли сабабли психопатия ва психопатсимон ҳолатларнинг оғир шаклари;

кўр-кар-соқовлик.

6. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ташкил этилган «Фамхўрлик» гурухида болаларнинг таълим олиши бепул амалга оширилади.

2-боб. «Фамхўрлик» гурухининг мақсадлари ва асосий вазифалари

7. «Фамхўрлик» гурухининг мақсадлари ихтисослаштирилган таълим муассасаларига қабул қилинмайдиган алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни парваришлаш, таълим-тарбия бериш ҳамда уларни жамиятга мослашишига кўмаклашишдан иборат.

8. «Фамхўрлик» гурухининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

боланинг ўзига хос хусусиятларини хисобга олиб, унинг ижтимоий тажриба ортиришини таъминлаш, боланинг шахсини шакллантириш, унинг ижодий қобилияtlарини ривожлантириш;

боланинг ёши, имкониятлари, қобилияти ва эҳтиёжларига қараб камол топишида кўмаклашиш;

болани шакллантиришда, тарбиялашда ва жамиятга мослашишида оиласа ёрдам бериш;

болаларга ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кўнинкамаларини шакллантириш;

ота-оналар учун «ижтимоий ҳордиқ» имкониятини яратиш.

3-боб. «Фамхўрлик» гурухини ташкил этиш, гурухга қабул қилиш ва ундан чиқариш тартиби

1-§. «Фамхўрлик» гурухини ташкил этиш

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари (кейинги ўринларда — худудий бошқармалар) тегишли худуддаги ихтисослаштирилган таълим муассасаларидаги бўш ўринларни ва «Фамхўрлик» гурухларига эҳтиёжни инобатга олган ҳолда тегишли ихтисослаштирилган таълим муассасасига буюртма юборади.

«Фамхўрлик» гурухи худудий бошқарманинг буюртмасига кўра ихтисослаштирилган таълим муассасаси директорининг буйруғи билан ташкил этилади.

10. «Фамхўрлик» гурухлари эҳтиёжни инобатга олган ҳолда иккита сменада ташкил этишига йўл қўйилади.

11. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида «Фамхўрлик» гурухлари: давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларида З ёшдан 7 ёшгacha бўлган болалар учун;

давлат ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатларда 6 ёшдан 16 ёшгacha бўлган болалар учун фаолият кўрсатади.

12. Ҳар бир «Фамхўрлик» гурухига 6 — 8 нафар бола қабул қилинади. «Фамхўрлик» гурухи тенг ёки турли ёшдаги болалардан иборат бўлади.

2-§. «Фамхўрлик» гуруҳига қабул қилиш тартиби

13. Болалар «Фамхўрлик» гуруҳига уларнинг қонуний вакилларининг (ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) аризаси ҳамда психолого-тикбий-педагогик комиссиянинг (кейинги ўринларда — ПТПК) хulosаси асосида ихтисослаштирилган таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан қабул қилинади.

Буйруқни расмийлаштириш билан бир вақтда таълим ташкилоти ва боланинг қонуний вакиллари ўртасида ўзаро муносабатларни тартибга солиш мақсадида Агентлик ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий шаклда шартнома тузилади.

Қонуний вакиллар аризани бевосита тегишли ҳудудий бошқармага ёки яшаш жойидаги «Инсон» ижтимоий хизматлар марказига тақдим этади.

«Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари келиб тушган аризани бир иш куни ичida тегишли ҳудудий бошқармага тақдим этади.

14. Ҳудудий бошқармалар ариза келиб тушгандан кундан эътиборан бир иш куни ичida болани «Фамхўрлик» гурухи учун номзодлар рўйхатига кирилади.

«Фамхўрлик» гурухини ташкил этиш учун етарлича аризалар келиб тушганидан сўнг, ҳудудий бошқармалар тегишли ихтисослаштирилган таълим муассасасига гурух ташкил этиш бўйича буюртма киритади.

15. «Фамхўрлик» гурухи ташкил этилганидан сўнг, тегишли ҳудудий бошқарма бир иш куни ичida қонуний вакилларни гурух ташкил этилган ихтисослаштирилган таълим муассасаси тўғрисида хабардор қиласида.

«Фамхўрлик» гурухида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида хабар олгандан сўнг, боланинг қонуний вакили тегишли ихтисослаштирилган таълим муассасасига ўн беш иш куни ичida келиши шарт.

3-§. «Фамхўрлик» гуруҳидан чиқариш

16. Болалар «Фамхўрлик» гуруҳидан қўйидагилар асосида чиқарилади:
қонуний вакилнинг аризаси;
соғлиқни сақлаш органлари муассасаларининг тиббий кўрсатмалари;
ихтисослаштирилган таълим муассасаси тиббий-психологик-педагогик ёки педагогик кенгашининг хulosаси;
таълим ташкилоти ва боланинг қонуний вакилларнинг ўртасидаги шартнома шартларининг бажарилмаслиги;

ПТПКнинг хulosасида кўрсатилган боланинг ихтисослаштирилган таълим муассасада бўлиш муддатининг тугаши.

17. Болаларни «Фамхўрлик» гуруҳидан чиқариш ихтисослаштирилган таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Бола «Фамхўрлик» гуруҳидан чиқарилгач, ихтисослаштирилган таълим муассасаси раҳбари ҳудудий бошқармани хабардор қиласида.

**4-боб. «Фамхўрлик» гуруҳида таълим-тарбия жараёнини
ташкил этиш**

18. «Фамхўрлик» гуруҳидаги таълим-тарбия жараёнининг мазмуни давлат таълим стандартлари, дастурлари ва талаблари асосида ишлаб чиқиладиган вариатив маҳсус дастурга мувофиқ тегишли ҳудудий бошқарма билан келишган ҳолда ихтисослаштирилган таълим муассасаси томонидан белгиланади.

19. «Фамхўрлик» гуруҳида дарс машғулотларининг давомийлиги санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

20. «Фамхўрлик» гуруҳида ўқитиш давомийлиги ва муддати ҳар бир болага унинг соғлигининг ҳолати ҳамда ПТПК хулосаси асосида ихтисослаштирилган таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқиладиган якка тартибдаги таълим-реабилитация дастурига мувофиқ белгиланади.

5-боб. «Фамхўрлик» гурухини молиялаштириш

21. «Фамхўрлик» гуруҳлар фаолияти айрим ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларини мақбуллаштириш муносабати билан бўшаётган маблағлар ҳисобидан, 2025 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ихтисослаштирилган таълим муассасалари учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

«Фамхўрлик» гуруҳи фаолияти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин.

6-боб. Якунловчи қоида

22. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 25 январдаги 46-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 майдаги 100-сон қарори билан тасдиқланган Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар мактаблари тўғрисидаги низомнинг 10-банди учинчи хатбошисидаги «халқ таълими худудий органлари ҳузуридаги психолого-тиббиёт-педагогик комиссия» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг худудий бошқармалари қошидаги психологик-тиббиёт-педагогик комиссия» сўzlари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 июндаги 171-сон қарори билан тасдиқланган Болалар уйлари тўғрисидаги низомнинг 24-банди тўртинчи хатбошисидаги «халқ таълими органлари ҳузуридаги тиббиёт-психологик комиссиянинг» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг худудий бошқармалари қошидаги психологик-тиббиёт-педагогик комиссиянинг» сўzlари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 13 майдаги 391-сон қарорида:

а) 1-бандда:

бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;
олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 1-иловада:

34-банднинг бешинчи хатбошиси ва 38-банднинг учинчи хатбошисидаги тегишли келишикдаги «Тиббиёт-психологик-педагогик комиссия» сўzlари тегишли келишикдаги «психологик-тиббиёт-педагогик комиссия» сўzlари билан алмаштирилсин;

39³-банднинг биринчи хатбошиси, 39⁶-банднинг иккинчи хатбошиси ҳамда 39¹²-банднинг биринчи хатбошисидаги тегишли келишикдаги «тиббиёт-психологик-педагогик комиссия» сўzlари тегишли келишикдаги «психологик-тиббиёт-педагогик комиссия» сўzlари билан алмаштирилсин;

39⁵-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«39⁵. Мактабгача таълим ташкилотида чуқурлаштирилган тиббиёт кўрик ўтказилганда ва унда тарбияланувчиларда психологик-тиббиёт-педагогик комиссия хulosасини бериш учун асос бўладиган тиббиёт кўрсатмалар рўйхатида кўрсатилган ривожланишида жисмоний ёки психик нуқсонлари аниқланганда, тарбияланувчи психологик-тиббиёт-педагогик комиссиядан ўрнатилган тартибда ўтиш учун юборилади»;

в) 3-иловада:

25-банднинг учинчи ва ўн биринчи хатбошилари ҳамда 26-банддаги тегишли келишикдаги «тиббиёт-психологик-педагогик комиссия» сўzlари тегиши-

ли келишикдаги «психологик-тиббий-педагогик комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин;

271-банднинг олтинчи хатбошиси ҳамда 78-банднинг олтинчи ва еттинчи хатбошиларидағи тегишли келишикдаги «Тиббий-психологик-педагогик комиссия» сўзлари тегишли келишикдаги «психологик-тиббий-педагогик комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан;

д) 5-илованинг 21-банди учинчи хатбошиси, 22-банди, 27-банднинг олтинчи хатбошиси, 47-банднинг биринчи хатбошиси, 80-банднинг олтинчи — саккизинчи хатбошиларидағи тегишли келишикдаги «Тиббий-психологик-педагогик комиссия» сўзлари тегишли келишикдаги «психологик-тиббий-педагогик комиссия» сўзлари билан алмаштирилсан.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги 802-сон қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартига 3-илованинг 2-бўлими 3 — 5-бандларидағи «Тиббий-психологик-педагогик комиссия хulosасини бериш учун асос бўладиган тиббий кўрсатмалар рўйхатида (Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон қарорига 4-илова)» сўзлари «Психологик-тиббий-педагогик комиссия хulosасини бериш учун асос бўладиган тиббий кўрсатмалар рўйхатида» сўзлари билан алмаштирилсан.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим беришга оид норматив-хукуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2021 йил 12 октябрдаги 638-сон қарорида:

а) 1-бандда:

«б» кичик банднинг бешинчи хатбошисидаги «Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсан;

«д» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан;

б) 1-илованинг 13-бандидаги «худудий халқ таълими бошқармаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг худудий бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсан;

в) 2-иловада:

17-банддаги «худудий халқ таълими бошқармаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг худудий бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсан;

24-банднинг саккизинчи хатбошисидаги «Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсан;

38-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсан;

Низомга 1-илованинг 18-банди бешинчи хатбошисидаги «Қорақалпоғис-

тон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси (кейинги ўринларда — халқ таълими бошқармалари)» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг худудий бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 2-иловада:

номи ва муқаддимасидаги «Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банднинг учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги «ҳудудий халқ таълими» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг худудий» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3-илованинг 14-банди биринчи хатбошисидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 5-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ахолига санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш соҳасига ахборот-технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2021 йил 19 ноябрдаги 693-сон қарорида:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошиси «кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг туман (шаҳар)лардаги «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари (кейинги ўринларда — «Инсон» маркази) ва» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 2-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Белгилансинки, ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентга мувофиқ кўрсатиладиган давлат хизматларидан фойдаланиш учун жисмоний шахслар Давлат хизматлари марказлари ва «Инсон» марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) ва «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими (кейинги ўринларда — ЯМИХ АТ) орқали мурожаат қиласидар»;

в) 5-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги Адлия вазирлиги ва Агентлик билан биргаликда:

а) 2022 йил 1 октябрдан бошлаб:

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш бўйича давлат хизмати ЯИДХП орқали жорий этишини таъминласин;

ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида ваколатли органлар ва фуқаролар томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

б) 2024 йил 1 февралдан бошлаб кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда даволаниш учун санаторийларга йўлланмаларни бериш бўйича давлат хизмати ЯМИҲ АТ орқали ҳам жорий этилишини таъминласин.

Бунда, санаторийларга йўлланма бериш бўйича давлат хизмати «Инсон» марказлари томонидан кўрсатилади.

«Инсон» марказларининг ижтимоий ходимларига бевосита фуқароларнинг розилиги билан уларнинг номидан Агентлик тизимидағи санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш бўйича электрон шаклда ариза бериш хуқуқи берилади»;

г) 7-банднинг бешинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агентлик тизимидағи санаторийлар «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимининг «ІНМА Sanatoriyu» модулига уланади».

д) иловада:

1-банднинг биринчи хатбошисидаги «Давлат хизматлари марказлари орқали» сўзлари чиқариб ташлансин;

2-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Давлат хизмати Агентликнинг туман (шахар)лардаги «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари (кейинги ўринларда — ваколатли орган), Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) ёхуд «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими (кейинги ўринларда — ЯМИҲ АТ) орқали ваколатли орган томонидан кўрсатилади»;

3-банд қўйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Йўлланма бериладиган шахсларнинг ушбу банднинг иккинчи, учинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошиларида назарда тутилган тоифага кириши тўғрисидаги маълумотлар Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Божхона қўмитаси томонидан тақдим этилади»;

5-банддаги «2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон» сўзлари «2022 йил 13 октябрдаги 592-сон» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ёки уларнинг вакиллари давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказлари ёки ваколатли органга келиб мурожаат этадилар ёхуд давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХП ёки ЯМИҲ АТда рўйхатдан ўтадилар»;

8-банднинг биринчи хатбошисидаги «Давлат хизматлари маркази ходими кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар номидан, ЯИДХП» сўзлари «Давлат хизматлари маркази ёки ваколатли орган ходими кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар номидан, ЯИДХП ёки ЯМИҲ АТ» сўзлари билан алмаштирилсин;

14 ва 15-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар Давлат хизматлари маркази ёки ваколатли органга келиб мурожаат этганда, уларнинг сўровномаси Давлат хизматлари маркази ёки ваколатли орган ходими томонидан тўлдирилиб, тасдиқлангандан сўнг барча ҳужжатлар 10 дақиқа мобайнида ваколатли органнинг «ИHMA Sanatoriya» модулига электрон шаклда юборилади. ЯИДХП ёки ЯМИХ АТ орқали мурожаат қилинганда эса — сўровнома автоматик тарзда ваколатли органнинг «ИHMA Sanatoriya» модулига юборилади.

15. «ИHMA Sanatoriy» модулида келиб тушган сўровномаларнинг электрон реестри юритилади. Бунда, фуқаролар сўровномаларнинг кўриб чиқиш ҳолати ва навбати тўғрисидаги маълумотларни Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли органга мурожаат қилиш ёки ЯИДХП ёхуд ЯМИХ АТ орқали реал вақт режимида олиши мумкин»;

16-бандада:

қўйидаги мазмундаги тўртинчи — олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар йўлланма амал қилиш муддати бошланишидан 20 кун олдин, бироқ 10 кундан кам бўлмаган муддатда «ИHMA Sanatoriy» модули орқали электрон шаклда (электрон почта манзиллари мавжуд бўлганда), алоқа воситалари орқали қисқа матнли хабар (СМС) орқали ёки ваколатли органнинг ходимлари томонидан санаторийга жойлашиш навбати келиши ҳақида хабардор қилинади.

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар йўлланмаларнинг амал қилиш муддати бошланишидан 10 кун олдин уларга шакллантириладиган йўлланмандан фойдаланишни рад этиши ёки йўлланма амал қилиш муддатини бир ойга узайтириш ҳақида ваколатли органга мурожаат қилиши мумкин.

Бунда, фойдаланишни рад этган ёки йўлланма амал қилиш муддатини бир ойга узайтириш бўйича мурожаат қилган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўрнига кейинги навбатдаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар мазкур банднинг тўртинчи хатбошисида белгиланган тартибда хабардор қилинади»;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишинча еттинчи ва саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

18-банд «ЯИДХП» сўзларидан кейин «ёки ЯМИХ АТ» сўзлари билан тўлдирилсин;

19-банддаги «Давлат хизматлари маркази» сўзлари «Давлат хизматлари маркази ёки ваколатли орган» сўзлари билан алмаштирилсин;

20-банд кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Агентлик кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий сони, имтиёз тоифаси ва йўлланмаларнинг бериш даврийлигига мувофиқ Республика санаторийларига йўлланмаларни тақсимлаш режасини ҳар чоракда тасдиқлайди.

Бунда, 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини соғломлаштириш учун йўлланмаларни тақсимлаш режасини инобатга олади»;

21 ва 22-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

28-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар саломатлигининг ҳолатига ёки бошқа асосли сабабларга кўра, шу жумладан фуқаро Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарига вақтинча чиқиб кетиши сабабли йўлланмадан белгиланган муддатда фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, йўлланмада кўрсатилган санаторийга келиш муддатидан камида уч кундан кеч бўлмаган муддатда бу ҳақида Давлат хизматлари марказига ёки ваколатли органга хабар бериши ва йўлланмани қайтариши лозим. Давлат хизматлари маркази ходими бу ҳақида 1 соат мобайнида ваколатли органни хабардор қилади.

Йўлланма олиш навбати келган фуқаро Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарига вақтинча чиқиб кетган, шунингдек, йўлланмадан фойдаланиш муддатини узайтириш тўғрисида мурожаат қилган бўлса, фуқароларнинг навбат муддати фақат бир маротаба кейинги ойга кўчирилади»;

34-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«34. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг худудий бошқармалари ва туман (шахар) адлия бўлимлари Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти устидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали, доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

Бунда, «Инсон» марказлари ва ЯМИХ АТ орқали давлат хизматини кўрсатишда мазкур Регламент талабларига риоя этилиши Агентлик ва Ижтимоий инспекция томонидан назорат қилинади»;

1-илова* қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИГ
ҚАРОРИ**

32 **Бюджетнинг бирламчи харажатларини қоплаш учун ягона ғазна ҳисобварафида сақланиши лозим бўлган маблағларнинг энг кам миқдорини аниқлаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси нинг «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Конуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 30 декабрдаги ПҚ-471-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, республика ва маҳаллий бюджетларнинг ликвидлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги ПҚ-471-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларнинг самардорлигини ошириш бўйича «йўл харитаси»нинг 13-бандида бюджетнинг бирламчи харажатларини қоплаш учун ягона ғазна ҳисобварафида сақланиши лозим бўлган маблағларнинг энг кам миқдорини аниқлаш ва улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсан.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи Бюджетнинг бирламчи харажатларини қоплаш учун ягона ғазна ҳисобварафида сақланиши лозим бўлган маблағларнинг энг кам миқдорини аниқлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан:

бирламчи харажатларни қоплаш учун ягона ғазна ҳисобварафида сақланиши лозим бўлган маблағларнинг энг кам миқдорини аниқлаш;

ягона ғазна ҳисобварафи, Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ликвидлигини таъминлаш;

бирламчи харажатларни қоплаш учун сақланган маблағларнинг энг кам миқдоридан фойдаланиш тартиби;

бюджет тушумлари ва харажатларининг қисқа ва узоқ муддатли прогнозларини тузиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ягона ғазна ҳисобварафи ва Давлат бюджети ликвидлигини таъминлаш, шу жумладан, бюджетнинг бирламчи харажатларини қоплаш учун ягона ғазна ҳисобварафида сақланиши лозим бўлган маблағларнинг энг кам миқдорини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш чораларини кўриб борсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 26 январда эълон қилинган.

публикаси Баш вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 25 январь,
47-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 25 январдаги 47-сон қарорига
ИЛОВА

**Бюджетнинг бирламчи харажатларини қоплаш учун ягона
ғазна ҳисобварафида сақланиши лозим бўлган маблағларнинг
энг кам миқдорини аниқлаш ва улардан фойдаланиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом бюджетнинг бирламчи харажатларини қоплаш учун ягона ғазна ҳисобварафида сақланиши лозим бўлган маблағларнинг энг кам миқдорини аниқлаш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

бирламчи харажатлар — иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (иш ҳақи бўйича бўнак тўловларидан ташқари), ижтимоий солиқ, озиқовқат, дори-дармон, коммунал тўловлар ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари бўйича харажатлар;

маҳаллий бюджетлар — Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети хамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари;

ҳудудий иқтисодиёт ва молия органлари — Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иқтисодиёт ва молия бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг иқтисодиёт ва молия бўлимлари;

республика бюджети — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети;

республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ликвидлиги — Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва маҳаллий бюджетларда бирламчи харажатларни қоплаш учун сақланиши лозим бўлган маблағларнинг энг кам миқдори;

ундирувчи органлар — божхона божи, солиқлар, йиғимлар, маъмурӣ жарималар ва молиявий санкцияларни ундирадиган органлар;

«ЎРИМВ» АТ — бюджет тизими бюджетларининг бюджет жараёнини

тўлиқ автоматлаштириш, шу жумладан, бюджет тизими бюджетлари ижроси билан боғлиқ операцияларни акс эттириш учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг (кейинги ўринларда — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги) ахборот тизими;

ягона ғазна ҳисобварафи — Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очиладиган миллий ёки чет эл валютасидаги махсус банк ҳисобварафи;

ягона ғазна ҳисобварафи ликвидлиги — ягона ғазна ҳисобварафидаги даромадлар ва харажатларнинг чегараси ҳамда харажатларни қоплаш учун сақланиши лозим бўлган маблағларнинг энг кам миқдорини аниқлаш

2-боб. Ягона ғазна ҳисобварафи, республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ликвидлигини таъминлаш мақсадида бирламчи харажатларнинг энг кам миқдорини аниқлаш

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Фазначилик хизмати қўмитаси (кейинги ўринларда — Фазначилик қўмитаси):

а) ягона ғазна ҳисобварафи ликвидлигини таъминлаш мақсадида:

хар ойлик таҳлил натижаларига кўра (хар бир шахсий ғазна ҳисобварафидан бир ой олдин амалга оширилган харажатлар таҳлили) бюджет тизими бюджетларининг тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларида амалга оширилаётган харажатларнинг бўлиши мумкин бўлган энг кўп миқдорини аниқлайди;

хар ойлик таҳлил натижаларига кўра (хар бир шахсий ғазна ҳисобварафига бир ой олдин келиб тушган тушумлар таҳлили) бюджет тизими бюджетларига келгуси ой учун келиб тушиши кутилаётган тушумларнинг энг кам миқдорини аниқлайди;

бюджет тизими бюджетлари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган энг кўп харажатлар миқдори ва энг кам даромадлар тушумини таҳлил қиласи ва тегишли чоралар кўради;

б) республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ликвидлигини таъминлаш мақсадида:

келгуси ойдаги бирламчи харажатларни молиялаштириш учун «ЎРИМВ» АТга киритилган харажатлар сметаларининг ойлик ёйилмаларида назарда тутилган кўрсаткичларни ўрганиб чиқади;

бирламчи харажатларни молиялаштириш учун «ЎРИМВ» АТга келиб тушиши кутилаётган буюртманомалар ва тўлов ҳужжатларини кўриб чиқади;

харажатлар сметаларининг ойлик ёйилмаларида назарда тутилган кўрсаткичларни ўрганиб чиққандан сўнг келиб тушиши кутилаётган буюртманомалар ва тўлов ҳужжатлари билан таққослади;

бирламчи харажатлардан бошқа барча харажатларни (фавқулодда ҳолатларда ваколатли идоралар томонидан тасдиқланадиган табиат ҳодисалари, эпидемиялар ва касалликлар тарқалишининг олдини олиш ёки унинг оқибатларини бартараф этиш учун амалга ошириладиган харажатлар бундан мустасно) молиялаштиришни тўхтатади;

бирламчи харажатларни молиялаштириш учун «ЎРИМВ» АТга келиб

тушиши кутилаётган буюртманомалар ва тўлов ҳужжатларида маблағ миқдори харажатлар сметаларининг ойлик ёйилмаларида режалаштирилган маблағдан кўп бўлмаган тақдирда, ушбу маблағларни сақлаб қолиш чоралирини кўради.

4. «ЎРИМВ» АТ дастурига келиб тушиши кутилаётган буюртманомалар ва тўлов ҳужжатлари суммаси харажатлар сметаларининг ойлик ёйилмаларида назарда тутилган кўрсаткичлардан кўп бўлган тақдирда, тегишли харажатлар сметаларининг ойлик ёйилмаларида ўзгартириш киритиш бўйича талабномалар «ЎРИМВ» АТ орқали Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ҳамда ҳудудий иқтисодиёт ва молия органларига электрон шаклда юборилади.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда ҳудудий иқтисодиёт ва молия органлари келиб тушган талабномаларни бир иш куни ичиде белгиланган тартибда кўриб чиқиб:

камчиликлар бўлмаган тақдирда, харажатлар сметаларининг ойлик ёйилмаларида ўзгартириш киритади;

камчиликлар аниқланган тақдирда, уларнинг аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда, харажатлар сметаларининг ойлик ёйилмаларида ўзгартириш киритшини рад этади.

3-боб. Республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ликвидлигини таъминлаш мақсадида бюджет тушумлари ва харажатларининг қисқа ва узоқ муддатли прогнозларини тузиш

6. Республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ликвидлигини таъминлаш мақсадида бюджет тушумлари ва харажатларининг қисқа ва узоқ муддатли прогнозлари электрон шаклда:

республика бюджети бўйича — Фазначилик қўмитаси томонидан;

маҳаллий бюджетлар бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Фазначилик хизмати қўмитаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар Фазначилик хизмати бошқармалари томонидан тузилади.

7. Республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг жорий молия йили учун даромадлар тушуми ва харажатлар прогнози интеграциялашган электрон маълумот алмашиш ёки «ЎРИМВ» АТга киритиш орқали электрон шакллантирилади ва қўйидаги маълумотлар асосида ўн кунлик ҳамда ойлик тузилади:

даромадлар ва харажатларнинг йиллик ёйилмаларида назарда тутилган кўрсаткичлар;

ундирувчи органлар томонидан қайд этиладиган даромадлар тушумини жорий молия йили учун ойма-ой тақсимлаш;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда ҳудудий иқтисодиёт ва молия органлари томонидан қайд этиладиган даромадлар тушумини жорий молия йили учун ойма-ой тақсимлаш;

жорий молия йили учун республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг харажатлари бўйича тўловлар прогнози;

жорий молия йилидаги тушумлар прогнози;

жорий молия йилида халқаро молия институтларидан жалб қилиниши режалаштирилган маблағлар (ойма-ой) прогнози;

жорий молия йилида муомалага чиқарилиши режалаштирилган давлат қимматли қофозлари тушумлари ёки уларнинг сўндирилиши бўйича харажатлар (ойма-ой) прогнози;

республика бюджетидан ажратилган бюджет ссудалари, депозитлар ва кредит линияларининг жорий йилда қайтарилиши режалаштирилган асосий қарзи ва фоизлар бўйича тушумлар (ойма-ой) прогнози;

жорий молия йилида ажратилиши режалаштирилган бюджет ссудалари, субсидиялар, депозитлар ва кредит линияларининг прогнози;

жорий молия йилида республика бюджетидан ажратиладиган бюджетларро трансфертлар бўйича (ойма-ой) прогноз;

молия йили мобайнида бюджетлар параметрлари ўзгарганда, юқори ва қуий турувчи бюджетлар ўртасида юзага келадиган бюджетлараро ўзаро хисоб-китоблар;

Давлат бюджети даромадлари режаси ошириб бажарилиши прогнози;

давлат активларини хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар прогнози.

Бунда ушбу маълумотларни тўлиқ электронлаштириш бўйича техник жаёнлар якунига қадар қофоз шаклда юритилишига рухсат этилади.

4-боб. Ягона ғазна ҳисобварафи ҳамда республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ликвидлигини таъминлаш мақсадида бирламчи харажатларнинг энг кам миқдоридан фойдаланиш

8. Ушбу Низомнинг 3-банди «а» кичик бандига асосан ягона ғазна ҳисобварафи ликвидлигини таъминлаш учун энг кам маблағ миқдори аниқлангандан сўнг Фазначилик қўмитаси ушбу маблағлардан қўйидаги тартибда фойдаланади:

а) ягона ғазна ҳисобварафи ликвидлигини таъминлаш ва уни сақлаб қолиш чораларини кўради.

Бунда ягона ғазна ҳисобварафи ликвидлиги таъминланмай, аниқланган маблағларни камайиш эҳтимоли юзага келганда, ягона ғазна ҳисобварафи нинг вақтинча бўш маблағлари ҳисобидан тижорат банклари депозитларига жойлаштирилган маблағларни, шунингдек, республика бюджетининг ликвидлигини таъминлаш мақсадида ажратилган ссудаларни муддатидан аввал қайтиш чоралари кўрилади;

б) ягона ғазна ҳисобварафи ликвидлигини таъминлаш учун маблағлар етарли бўлган тақдирда, ягона ғазна ҳисобварафи ликвидлигини таъминлаган ҳолда:

вақтинча бўш маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштиради;

республика ва маҳаллий бюджетларнинг ликвидлигини таъминлаш мақсадида республика бюджетига вақтинча қисқа муддатли маблағлар ажратади;

юқори ликвидли қимматли қофозларга инвестиция киритиши мумкин.

9. Чет эл валютасидаги вақтингча бўш маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ҳамда юқори ликвидли қимматли қоғозларга инвестиция киритишдан олинган даромадлар Фазначилик қўмитаси ҳузуридаги Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига тенг улушларда тақсимланади.

10. Ушбу Низомнинг З-банди «б» кичик бандига асосан республика ва маҳаллий бюджетларнинг ликвидлигини таъминлаш учун энг кам маблағ миқдори аниқлангандан сўнг Фазначилик қўмитаси ушбу маблағлардан қўйидаги тартибда фойдаланади:

бирламчи харажатлар бўйича «ЎРИМВ» АТга бюджет ташкилотлари томонидан юборилган буюртманомалар ва тўлов хужжатларини молиялаштиради;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда ҳудудий иқтисодиёт ва молия орнлари томонидан «ЎРИМВ» АТга киритилган тўлов хужжатлари ижросини таъминлайди.

11. Республика ва маҳаллий бюджетларнинг ликвидлигини таъминлаш учун аниқланган маблағлар тўлиқ молиялаштирилгандан сўнг ёки уларни молиялаштириш учун маблағлар етарли бўлган тақдирда, бошқа харажатларни молиялаштиришга рухсат этилади.

12. Фазначилик қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Фазначилик хизмати бошқармалари бирламчи харажатларни қоплаш учун ягона ғазна ҳисобварафи, республика бюджети ва маҳаллий бюджетларда сақланиши лозим бўлган маблағларнинг энг кам миқдорини аниқлаш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

13. Ундирувчи органлар республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг тегишли бюджетларида назарда тутилган солиқлар ва йиғимлар тўлиқ ундирилишини таъминлаши лозим.

14. Фазначилик қўмитаси мазкур Низомда назарда тутилган ягона ғазна ҳисобварафи, республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ҳамда харажатлари прогнозини тузиш ва бошқариш бўйича талабларнинг тўғри бажарилиши учун масъул ҳисобланади.

15. Ундирувчи органлар республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ликвидлигини таъминлаш мақсадида даромадлар тушуми ҳамда харажатларнинг қисқа ва узоқ муддатли прогнозларини тузишда Фазначилик қўмитасига маълумотлар ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаши шарт.

5-боб. Якунловчи қоида

16. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНинг
ҚАРОРИ

33 Банклар ва нобанк кредит ташкилотларига нисбатан чоралар ва санкциялар қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3492*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий кирғин куролини тарқатишини молиялаштиришга қарши курашиб тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарор қиласди:

1. Банклар ва нобанк кредит ташкилотларига нисбатан чоралар ва санкциялар қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 22 ноябрь,
36/9-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллый базаси»да 2024 йил 25 январда эълон қилинган.

Келишилди:

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакили*

Д. КАСИМОВ

2023 йил 17 ноябрь

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

Д. ВАХАБОВ

2023 йил 20 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил
22 ноябрдаги 36/9-сон қарорига
ИЛОВА

**Банклар ва нобанк кредит ташкилотларига нисбатан
чоралар ва санкциялар қўллаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) томонидан банклар, микромолия ташкилоти, ломбард, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти (бундан буён матнда нобанк кредит ташкилотлари деб юритилади), банкларнинг бевосита ҳамда билвосита акциядорларига, шу жумладан охирги бенефициар мулкдорларига (бундан буён матнда банкнинг мулкдор шахслари деб юритилади), кузатув кенгashi ва бошқаруви аъзоларига, шунингдек банкнинг муҳим аҳамиятга эга ходимларига (бундан буён матнда банкнинг раҳбар шахслари деб юритилади) нисбатан чоралар ва санкцияларни қўллаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Марказий банк:

банк ва нобанк кредит ташкилотларига, банкнинг мулкдор шахсларига ва раҳбар шахсларига нисбатан чора ва санкциялар қўллашга;

айни бир қоидабузарлик бўйича бир вақтнинг ўзида ёки кетма-кет бир нечта чоралар ва (ёки) санкциялар қўллашга ҳақли.

2. Банк ва нобанк кредит ташкилотлари, банкнинг мулкдор шахслари ва раҳбар шахсларига нисбатан Марказий банк томонидан қўлланиладиган чора ва санкциялар қонун ҳужжатлари ва мазкур Низомда белгиланган миқдорлардан ошиб кетмаслиги лозим.

2-боб. Чора ва санкцияларни қўллаш асослари ва тартиби

3. Марказий банк чора ва санкцияларни қўллашда қўйидаги манбалардан фойдаланади:

назорат тадбирлари, инспекция (текшириш) ва масофавий назоратни амалга ошириш натижасида олинган маълумотлар ва расмийлаштирилган хужжатлар;

аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ёки хуносалар;

давлат органларининг, жумладан ички ишлар, прокуратура ва суд органларининг банклар ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан содир этилган қоидабузарликлар акс эттирилган хужжатлари;

банк ва нобанк кредит ташкилотлари истеъмолчиларининг мурожаатларини ўрганиш натижасида олинган маълумотлар;

Марказий банкнинг кўрсатмаларига асосан банк ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан тақдим этилган хужжатлар ёки маълумотлар;

Марказий банкнинг асослантирилган мулоҳазаси ҳамда қонунчилик хужжатларида назарда тутилган бошқа манбалар.

4. Марказий банк томонидан чора ва санкциялар қўлланилганда қўйидагилар ҳисобга олинади:

таваккалчиликнинг даражаси, қоидабузарликларнинг хусусияти, миёси ва оқибатлари;

қоидабузарликларнинг тизимлилиги ва давомийлиги;

йўл қўйилган қоидабузарликларнинг банк ва нобанк кредит ташкилотларининг молиявий ҳолатига таъсири;

қўлланиладиган чоралар ва (ёки) санкциялар натижасида вазиятни ўзгартириш имконияти;

аниқланган қоидабузарликларнинг ва (ёки) таваккалчиликларнинг юзага келишига олиб келган сабаблар;

илгари қўлланилган чора ва санкцияларнинг самарадорлиги (натижадорлиги);

банк, унинг мулкдор шахси ёки раҳбар шахси, шунингдек нобанк кредит ташкилоти томонидан қоидабузарликларни бартараф этишга қаратилган мустақил чоралар кўрилганлиги.

5. Банк ва нобанк кредит ташкилотлари, банкнинг мулкдор шахслари ва раҳбар шахсларига нисбатан чора ва санкциялар қўллаш тўғрисидаги қарор Марказий банкнинг Банк назорати қўмитаси (бундан бўён матнда Банк назорати қўмитаси деб юритилади) томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ва «Жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунлари ҳамда ушбу Низомга мувофиқ қабул қилинади.

Бунда, банк фаолиятини амалга ошириш хуқуқини берувчи лицензияни чақириб олиш түғрисида ҳамда нобанк кредит ташкилоти түғрисидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан ёки ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестридан ёхуд ломбардлар реестридан чиқариб ташлаш түғрисидаги қарорлар Банк назорати қўмитасининг таклифига асосан Марказий банк бошқаруви томонидан қабул қилинади.

6. Банк назорати қўмитасининг аъзолари тоқ сонда 7 нафардан 11 нафаргача бўлади ҳамда қўмита аъзолари, шу жумладан қўмита раиси ва унинг ўринbosари Марказий банк раиси ўринbosарлари ва раҳбар ходимлари орасидан Марказий банк бошқаруви томонидан тайинланади.

Банк назорати қўмитасига юкландиган асосий вазифалар ва функцияларга мувофиқ Банк назорати қўмитаси фаолиятини ташкил этиш, шунингдек қўмита йиғилишларини ўтказиш ва уларга раҳбарлик қилиш Марказий банк раисининг ўринbosари — Банк назорати қўмитаси раиси томонидан амалга оширилади.

Банк назорати қўмитаси йиғилиши учун ташкилий тайёргарликни таъминлаш унинг котиби зиммасига юкландади.

Банк назорати қўмитаси йиғилишлари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади. Йиғилишларда кун тартибига киритилган масалалар юзасидан коллегиал тарзда қарорлар қабул қилинади.

Банк назорати қўмитаси йиғилишлари аъзоларнинг камида учдан икки кисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

Банк назорати қўмитаси қарорлари йиғилишда иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилиги томонидан маъқулланган тақдирда, қабул қилинган ҳисобланади.

7. Банк ва нобанк кредит ташкилотларига, банкнинг мулкдор шахсига ёки раҳбар шахсига нисбатан чора ва санкциялар қўллаш түғрисидаги масалани кўриб чиқишида Банк назорати қўмитасининг мажлисида мазкур ташкилотнинг масъул вакиллари, банкнинг мулкдор шахси ёки раҳбар шахси иштирок этиши мумкин.

8. Марказий банк томонидан аниқланган қоидабузарликлар учун чора ва санкцияларни қўллаш муддати мазкур қоидабузарликлар аниқланган кундан эътиборан олти ойдан ва улар содир этилган кундан бошлаб уч йилдан ошмаслиги лозим.

9. Марказий банк ҳар ойнинг 10 санасига қадар ўзининг расмий веб-сайтида ўтган ой давомида қўлланилган чора ва санкциялар түғрисидаги маълумотлар статистикасини жойлаштириш орқали эълон қилиб боради.

10. Банклар томонидан қўпол ёки жиддий қоидабузарликларни содир этганлик учун Марказий банк қоидабузарлар (банк ёки нобанк кредит ташкилотлари) номи, улар томонидан содир этилган қоидабузарликлар, қоидабузарларга (банк ёки нобанк кредит ташкилотларига) нисбатан қўлланилган чоралар ва санкциялар түғрисидаги хабарни оммавий ахборот воситаларида эълон қилишга ҳақли.

11. Марказий банк чора ва санкция қўллаш түғрисидаги қарордан кў-

чирмани уч иш куни ичида банк ёки нобанк кредит ташкилотига, банкнинг мулкдор шахси ва (ёки) раҳбар шахсига юборади.

12. Марказий банкнинг чора ва санкция қўллаш тўғрисидаги қароридан норози бўлган шахс(лар) қарордан кўчирмани олган санадан бошлаб ўттиз кун ичида Марказий банкнинг апелляция кенгашига (бундан буён матнда Апелляция кенгаши деб юритилади) ёзма равишда апелляция бериш ёки қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда судга мурожаат қилиш хуқуқига эга.

Мурожаатчи томонидан Апелляция кенгашига апелляцияни бериш муддати бузилган ҳолда тақдим этилганда, Апелляция кенгаши томонидан апелляция кўриб чиқилмайди.

13. Апелляция кенгаши апелляция берилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида мурожаатчининг апелляциясини кўриб чиқади.

Апелляция кенгаши мурожаатчини апелляцияни кўриб чиқиш куни ҳақида хабардор қиласи. Бунда, мурожаатчи апелляцияни кўриб чиқишида иштирок этиш хуқуқига эга.

Марказий банк апелляцияни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қўйида-ги қарорлардан бирини қабул қиласи:

апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш ва Банк назорат қўмитаси қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида;

апелляцияни қаноатлантириш ва Банк назорат қўмитаси қарорини бекор қилиш тўғрисида.

Апелляцияда келтирилган важлар ўз тасдифини топмагандা, Марказий банк апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш ва Банк назорат қўмитаси қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида қарор қабул қиласи.

Марказий банк қабул қилинган қарор тўғрисида уч кун муддатда мурожаатчини хабардор қиласи.

3-боб. Марказий банк томонидан кўрсатма хат юборилиши

14. Марказий банк банк ва нобанк кредит ташкилотларига уларнинг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида, шу жумладан банк ва молиявий хизматлар истеъмолчиларининг хукуқлари бузилишига олиб келувчи сабабларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар (бундан буён матнда кўрсатма хат деб юритилади) юбориши мумкин.

15. Марказий банк кўрсатма хатида банк, нобанк кредит ташкилоти, банкнинг мулкдор шахси ва (ёки) раҳбар шахсига қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилганлигини ҳамда қоидабузарликларни бартараф этиш учун белгиланган муддатларни кўрсатиб ўтади. Бунда, кўрсатма хатда белгиланган қоидабузарликларни бартараф этиш муддати бир йилдан кўп бўлмаслиги лозим.

Марказий банк кўрсатма хатида қўйидагиларни (агар мавжуд бўлса) талаб қилиши лозим:

банк ёки нобанк кредит ташкилотининг молиявий ҳолатига бевосита таъсир кўрсатмаган, лекин келгусида молиявий ҳолати ёмонлашишига олиб

келиши ёки омонатчилар ва кредиторлар манфаатларига таҳдид солиши мумкин бўлган қоидабузарликлар ёки камчиликларни бартараф этиш;

банк, микромолия ташкилоти ёки ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти томонидан пруденциал нормативлар бузилиш ҳолатларини бартараф этиш;

банк ва (ёки) нобанк кредит ташкилотининг фоизли, фоизсиз ёки операцион харажатларини камайтириш;

банк ва (ёки) нобанк кредит ташкилоти томонидан жалб этиладиган маблағлар бўйича фоиз ставкаларининг энг юқори қийматларини белгилаш;

Марказий банкка тақдим этилган ҳисботларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш;

тегишли хужжат ва маълумотларни тақдим этиш;

аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ мажбурий аудит текшируванин ўтказиш;

жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин куролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишини бартараф этиш;

банк ва (ёки) нобанк кредит ташкилоти томонидан Марказий банкнинг ахборот хавфсизлигига доир таваккалчиликларни бошқаришни ташкил этиш бўйича талаблар бузилиши ҳолатларини бартараф этиш;

валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилиши ҳолатларини бартараф этиш;

банк ва нобанк кредит ташкилоти истеъмолчиларининг хуқуқ ва манфаатлари бузилиши ҳолатларини бартараф этиш;

мавжуд ёки юзага келиши эҳтимоли бўлган алоҳида ёхуд жами умумлашган таваккалчиликларни минималлаштириш;

нақд пул муомаласи ва касса ишини ташкил этишга доир қонунчилик хужжатлари талабларининг бузилиши ҳолатларини бартараф этиш;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа қоидабузарликларни бартараф этиш.

16. Банк ва (ёки) нобанк кредит ташкилоти кўрсатма хатини олган кундан эътиборан мазкур кўрсатма хатида кўрсатилган муддат ичida аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш чораларини кўриш бўйича муддатни кўрсатган ҳолда жавоб хатини тақдим этиши лозим.

17. Банк томонидан жузъий қоидабузарликлар содир этилган тақдирда, Марказий банк кўрсатма хатида банкка нисбатан чоралар ва санкциялар қўлланилиши тўғрисида ёзма огоҳлантириш бериши мумкин.

18. Банк ва (ёки) нобанк кредит ташкилоти, банкнинг мулкдор шахси ва (ёки) раҳбар шахси Марказий банкнинг кўрсатма хатида кўрсатилган камчиликларни ва (ёки) қоидабузарликларни белгиланган муддатда бартараф этмаганда ёки ушбу Низомнинг 16-бандида назарда тутилган талабни бажармаганда, Марказий банк бошқа чора ва санкцияларни қўллаш масаласини кўриб чиқади.

4-боб. Қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши талаб қилиш

19. Банклар фаолиятига оид, валютани тартибга солиш, нақд пул муомаласи ва касса ишларини ташкил этиш, жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларни, шунингдек пруденциал нормативларни бузганда, Марказий банк банкдан аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилишини талаб қилиши мумкин.

20. Банк Банк назорати қўмитасининг қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши талаб қилиш тўғрисидаги қарорида белгиланган муддат ичida чора-тадбирлар режасини Марказий банкка тақдим этади.

21. Чора-тадбирлар режасида банк томонидан қоидабузарликларни бартараф этиш ва (ёки) келгуси фаолиятда уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, чора-тадбирларни амалга ошириш муддатлари ва масъул ижрочилар кўрсатилиши лозим.

22. Чора-тадбирлар режаси банк бошқаруви раиси томонидан тасдиқладади.

23. Чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш банк бошқаруви қузатув кенгаши, акциядорлар (таъсисчилар) умумий йиғилиши ваколатига киритилган бўлса, чора-тадбирлар режаси ваколатли орган томонидан тасдиқланиши ва тегишли баённомадан кўчирма унга илова қилиниши лозим.

24. Банкнинг капитал монандлиги коэффициентларидан камида биттаси бузилган тақдирда, банк мазкур қоидабузарлик содир қилинган кундан бошлаб 10 кун ичida ўз капитали даражасини сақлаб туриш ва уни тиклаш бўйича чора-тадбирлар режасини Марказий банкка тақдим этиши лозим.

25. Банк очиқ валюта позиция лимитларини кетма-кет беш ёки ҳисобот ойида жами ўн марта бузганда, қоидабузарлик содир этилган кундан бошлаб 7 кун ичida содир этилган қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар режасини Марказий банкка тақдим этиши лозим.

26. Марказий банк банк томонидан тақдим қилинган чора-тадбирлар режасини унда белгиланган чора-тадбирларнинг асослилиги, тўлиқлиги ва санарадорлиги юзасидан кўриб чиқади. Марказий банк чора-тадбирлар режаси киритилганидан 15 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда чора-тадбирлар режаси ёки унда белгиланган айрим чора-тадбирлар бўйича ўз эътирозларини банкка юбориши мумкин.

Банк чора-тадбирлар режаси бўйича Марказий банкнинг эътирозларини олган кундан эътиборан 10 иш куни мобайнида камчиликларни бартараф қилган ҳолда янги чора-тадбирлар режасини Марказий банкка тақдим қилиши шарт.

27. Марказий банк қўйидаги ҳолларда банкка нисбатан бошқа чора ва санкцияларни қўллаш масаласини кўриб чиқишига ҳақли:

банк чора-тадбирлар режасини Марказий банк томонидан белгиланган муддатта тақдим этмаса;

банк Марказий банк томонидан чора-тадбирлар режасига билдирилган эътиrozларни олган кундан эътиборан 10 иш куни мобайнида янги чора-тадбирлар режасини тақдим этмаса;

банк чора-тадбирлар режасида белгиланган чора-тадбирларни бажармаса ёки лозим даражада бажармаса.

5-боб. Банк ва нобанк кредит ташкилотидан жарима ундириш

28. Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунининг 57 — 59-моддаларига асосан Марказий банк банклар томонидан содир этилган:

қўпол қоидабузарликлар учун банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузган ҳолда амалга оширилган молиявий операциялардан олинган даромадларнинг миқдорини аниқлаш имкони бўлса, банкдан ушбу даромадларнинг икки баравари миқдоридан ёки банк томонидан ўтган молия йили давомида олинган соф фойданинг беш фоизи ёки мазкур Низомнинг иловасига* мувофиқ банк жами капиталининг бир фоизи миқдоридан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима ундиришга;

жиддий қоидабузарликлар учун банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузган ҳолда амалга оширилган молиявий операциялардан олинган даромадларнинг миқдорини аниқлаш имкони бўлса, банкдан ушбу даромадлар миқдоридан ёки банк томонидан ўтган молия йили давомида олинган соф фойданинг икки фоизи ёки мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ банк жами капиталининг 0,5 фоизи миқдоридан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима ундиришга;

жузъий қоидабузарликлар учун банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузган ҳолда амалга оширилган молиявий операциялардан олинган даромадларнинг миқдорини аниқлаш имкони бўлса, банкдан ушбу даромадлар миқдоридан ёки банк томонидан ўтган молия йили давомида олинган соф фойданинг бир фоизи ёки мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ банк жами капиталининг 0,1 фоизи миқдоридан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима ундиришга ҳақли.

29. Нобанк кредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаш фаолияти тўғрисида»ги Конунининг 28-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган қоидабузарликлар содир этилганлиги аниқланганда, Марказий банк мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ нобанк кредит ташкилотининг ўз капиталининг беш фоизигача миқдорда жарима ундиришга ҳақли.

30. Жарима Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ҳисобланади.

Марказий банк томонидан жарима ундириш тўғрисидаги Банк назорати

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кўмитасининг қароридан кўчирма, жарима миқдори, тўлов муддати ва Марказий банкнинг тегишли ҳисобварафи реквизитлари кўрсатилган ҳолда банк ва (ёки) нобанк кредит ташкилотига хат юборилади. Бунда, жаримани тўлаш муддати Апелляция кенгашига аппеляция бериш муддатидан кам бўлмаслиги лозим.

Банк ва (ёки) нобанк кредит ташкилоти томонидан хатда кўрсатилган муддатда жарима тўланмаган тақдирда, Марказий банк томонидан жарима:

банкнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварафидан акцептсиз;

нобанк кредит ташкилотидан қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

31. Марказий банк банк ва (ёки) нобанк кредит ташкилотига нисбатан қўйидаги ҳолларда:

жарималарни қўллаш банк ва (ёки) нобанк кредит ташкилоти томонидан пруденциал нормативларнинг тўғриланишига таъсир қилмаган ва қоидабузарлик мунтазам равишда (бир йил ичida уч ва ундан ортиқ маротаба) содир этилган тақдирда;

жарима суммаси ундирилиши банк ва (ёки) нобанк кредит ташкилоти молиявий аҳволининг сезиларли даражада ёмонлашишига олиб келадиган тақдирда, жумладан банк ва (ёки) нобанк кредит ташкилоти мижозлари олдидаги мажбуриятларини ўз вактида бажара олмаганда ёки омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларига таҳдид солганда;

жорий йилда битта турдаги молиявий операция бўйича Марказий банкнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларида белгиланган операцияларни амалга ошириш тартиби ва муддатлари бир йил ичida уч марта ва ундан ортиқ маротаба бузилган тақдирда жарима ундиришдан бошқа чора ва санкцияларни қўллаши мумкин.

6-боб. Дивидендлар ва (ёки) субординар қарзлар бўйича фоизларни тўлашга доир чеклов ва (ёки) тақиқлар ўрнатиш

32. Марказий банк қўйидаги ҳолларда банкларга олти ойгача бўлган муддатга дивидендлар ва (ёки) субординар қарзлар бўйича фоизлар тўлашга доир чеклов ва (ёки) тақиқ ўрнатишга ҳақли:

пруденциал нормативлар Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки мазкур тақсимлаш ёхуд фоизлар тўлаш оқибатида пруденциал норматив бузилиш эҳтимоли бўлганда;

банкда тўловга қобилиятсизлик ҳолати ёки мазкур тақсимлаш ёхуд фоизлар тўлаш оқибатида тўловга қобилиятсизликнинг аломатлари юзага келганда;

активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун ўрнатилган талаблар доирасида захиралар шакллантирилмаганда;

мамлакатда макроиқтисодий ва тизимли молиявий инқироз аломатлари юзага келганда;

банкнинг соф активлари қиймати унинг устав ва захира капитали суммасидан кам бўлганда.

Банк Марказий банкнинг олти ойгача бўлган муддатга дивидендлар ва (ёки) субординар қарзлар бўйича фоизлар тўлашга доир чеклов ва (ёки) тақиқ ўрнатиш тўғрисидаги қарори ижросини таъминламаган тақдирда, Марказий банк ушбу банкка нисбатан бошқа чора ва санкцияларни қўллашга ҳақли.

7-боб. Банк ва нобанк кредит ташкилотининг айрим молиявий операцияларни амалга оширишини ёки банклар инфратузилмаси кенгайишини чеклаш ва (ёки) тақиқлаш

33. Марказий банк қўйидаги ҳолларда банкнинг айрим молиявий операцияларни амалга оширишини ёки инфратузилмасининг кенгайишини олти ойгача бўлган муддатга чеклаш ва (ёки) тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин:

молиявий операцияларни амалга ошириш бўйича қонунчилик хужжатла-ри талаблари бузилганда;

юридик шахсларни ташкил этиш ва (ёки) юридик шахсларнинг устав фондларида (устав капиталларида) улушларни ёки акцияларни олишда қонунчилик талаблари бузилганда;

муаммоли активларнинг жами активлардаги улуси ўн фоиз ва ундан юкори бўлганда;

банклар тақиқланган ёки чекланган фаолият билан шуғулланганда;

Марказий банкнинг банк фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатма хати белгиланган муддатда бажарилмаганда;

Марказий банк томонидан банкнинг таваккалчиликларни бошқариш тизими Банклар ва банклар гурухларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимида доир талаблар тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3427, 2023 йил 18 апрель) талабларига ва (ёки) корпоратив бошқарув тизими Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3254, 2020 йил 30 июнь) талабларига номувофик бўлса;

валютани тартибга солиши тўғрисидаги қонунчилик талаблари мунтазам равишида (бир йил ичидан уч ва ундан ортиқ маротаба) бузилганда;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризми молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб тўғрисидаги қонунчилик талаблари мунтазам равишида (уч ва ундан ортиқ маротаба) бузилганда;

банк томонидан ҳар ойлик мажбурий захиралаш талаблари кетма-кет уч маротаба ёки бир йил ичидан беш маротаба ва ундан ортиқ бузилганда;

Марказий банк билан амалга ошириладиган операциялар, шу жумладан репо ва своп операциялари шартлари бузилганда;

хорижий мамлакатлар ва (ёки) халқаро ташкилотлар томонидан молиявий йўқотишларга олиб келиш эҳтимоли мавжуд санкциялар қўлланилганда;

банкнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағидаги қолдири О ёки ундан кичик (манфий) бўлса;

молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганда;

банк томонидан қонунчиликка зид равища банкка алоқадор бўлган шахслар билан операциялар амалга оширилганда;

банк томонидан пруденциал нормативлар бузилганда.

34. Банкнинг валюта операцияларини чеклаш ёки тақиқлаш тўғрисидағи қарор қабул қилинганда, Марказий банк мазкур қарорнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар банклараро валюта бозорида (валюта биржасида) ушбу банк билан тегишли операцияларни тўхтатиб туради.

35. Марказий банк қўйидаги ҳолларда нобанк кредит ташкилоти томонидан айрим операцияларни амалга оширишни уч ойгача бўлган муддатга чеклаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин:

руҳсат бериш ёки хабардор қилиш тартиб-таомиллари ва молиявий операцияларни амалга ошириш бўйича қонунчилик хужжатлари талаблари бузилганда;

нобанк кредит ташкилотлари учун тақиқланган ёки чекланган фаолият билан шуғулланганда;

мунтазам равища (уч ва ундан ортиқ маротаба) Марказий банкка ҳисоботлар тақдим этилмагандаги ёки ўз вақтида тақдим этилмагандаги ёхуд уларда нотўғри (ҳаққоний бўлмаган) маълумотлар акс эттирилганда;

Марказий банкнинг нобанк кредит ташкилоти фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатма хати белгиланган муддатда бажарилмагандаги;

Марказий банк томонидан камчиликлар аниқланган ҳисоботлар нобанк кредит ташкилоти томонидан тўғрилаб топширилмагандаги;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризми молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб тўғрисидаги қонунчилик талаблари мунтазам равища (бир йил ичидаги уч ва ундан ортиқ маротаба) бузилганда;

молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганда;

микромолия ташкилоти томонидан қонунчиликка зид равища алоқадор бўлган шахслар билан операциялар амалга оширилганда;

микромолия ташкилоти ёки ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотининг активлари ўз вақтида ва тўғри таснифланмагандаги ҳамда уларга активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираси шакллантирилмагандаги;

микромолия ташкилоти ёки ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти томонидан пруденциал нормативлар бузилганда.

36. Банк ва (ёки) нобанк кредит ташкилоти Марказий банкнинг айрим молиявий операцияларни амалга оширишни ёки банкларнинг инфратузилмасини кенгайтиришни чеклаш ва (ёки) тақиқлаш тўғрисидаги қарорини олган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмай ва (ёки) мазкур қарорда белгиланган муддатларда (ёки муайян бир муддатга) Марказий банк

қарорида чекланиши ёхуд тақиқланиши белгиланган операцияларни амалга оширишни чеклайди ёки тақиқлайди.

Бунда, банк ва нобанк кредит ташкилоти Марказий банк қарорини олган кунга қадар (қарор олинган кун ҳам киради) мижозлар билан тузилган битимлар бўйича мажбуриятларни амалга оширишга хақли.

37. Банк ва (ёки) нобанк кредит ташкилоти томонидан Марказий банкнинг айрим молиявий операцияларни амалга оширишни ёки банкларнинг инфратузилмасини кенгайтиришни чеклаш ва (ёки) тақиқлаш тўғрисидаги қарори олинган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмай ва (ёки) мазкур қарорда белгиланган муддатларда (ёки муйян бир муддатгача) қарорга асосан чекланган ёки тақиқланган операциялар (операциялар турлари ва (ёки) мижозлар) амалга оширилиши ва амалдаги битимлар муддатларининг узайтирилишига йўл қўйилмайди.

38. Банк ва (ёки) нобанк кредит ташкилоти айрим молиявий операцияларни амалга оширишни ёки банкларнинг инфратузилмасини кенгайтиришни чеклаш ва (ёки) тақиқлаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган тартибда, муддатларда ва ҳажмларда ушбу қарорнинг ижро ҳолати тўғрисида Марказий банкка ахборот бериб боради.

39. Банк ва (ёки) нобанк кредит ташкилоти айрим молиявий операцияларни амалга оширишни ёки банкларнинг инфратузилмасини кенгайтиришни чеклаш ва (ёки) тақиқлаш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддат ўтгандан сўнг кейинги иш кунидан бошлаб тўлиқ ҳажмда операцияларни амалга ошириши ёки банкларнинг инфратузилмасини кенгайтириши мумкин.

40. Банк ва (ёки) нобанк кредит ташкилоти айрим молиявий операцияларни амалга оширишни ёки банкларнинг инфратузилмасини кенгайтиришни чеклаш ва (ёки) тақиқлаш тўғрисидаги қарор ижросини таъминламаган тақдирда, Марказий банк ушбу банк ва (ёки) нобанк кредит ташкилотига нисбатан бошқа чора ва санкцияларни қўллашга хақли.

8-боб. Банкнинг акциядорлар умуний йиғилишини чақириш

41. Марказий банкнинг айрим молиявий операцияларни амалга оширишни ёки банкнинг инфратузилмасининг кенгайишини чеклаш ва (ёки) тақиқлаш тўғрисидаги қарори банк томонидан таъминланмаган ҳамда банкнинг пруденциал нормативлари бажарилмаган тақдирда, Марказий банк банк кузатув кенгаши томонидан банк акциядорларининг навбатдан ташқари умуний йиғилишини ўтказишни, акциядорлар Марказий банк томонидан белгиланган масалаларни, шунингдек банк капиталини банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлай оладиган миқдоргача кўпайтириш масаласини кўриб чиқишини талаб қилишга хақли.

42. Банкнинг кузатув кенгаши Марказий банкнинг банк акциядорларининг навбатдан ташқари умуний йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги қароридан кўчирмани олган кундан бошлаб ушбу қарорда кўрсатилган муддатда банк акциядорларининг умуний йиғилишини чақиради ҳамда йиғилиш ўтказиладиган вакт, жой ва кун тартибини белгилаган ҳолда Марказий банкка

маълум қилади. Марказий банкнинг масъул вакили зарур ҳолларда банк акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этиши мумкин.

43. Марказий банкнинг қарори банк кузатув кенгаши томонидан белгиланган муддатларда бажарилмаган тақдирда, Марказий банк банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакиришга ва кун тартибини белгилашга ҳақли.

44. Банк акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказилганидан кейин ўн иш куни ичida банк акциядорлар умумий йиғилиши баённомасидан кўчирманни Марказий банкка юборади.

Банк акциядорларининг умумий йиғилиши баённомасига молиявий соғломлаштириш режаси, капиталлаштириш дастури, банкни қайта ташкил этиш режаси, банк томонидан содир этилган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ёки бошқа чора-тадбирлар илова қилиниши мумкин.

45. Банк акциядорларининг умумий йиғилишида Марказий банк томонидан белгиланган масалалар, шунингдек банк капиталини банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлай оладиган миқдоргача кўпайтириш масаласи бўйича ижобий қарор қабул қилинмаган тақдирда, Марказий банк банкка нисбатан бошқа чора ва санкцияларни қўллашга ҳақли.

9-боб. Банкнинг мулкдор шахсларига ва раҳбар шахсларига нисбатан чоралар ва санкциялар қўллаш

46. Марказий банк ҳал этувчи эгаликка бевосита ёки билвосита эгалик қилувчига, шу жумладан охирги бенефициар мулкдорга нисбатан чоралар ва санкциялар қўллашга қўйидаги ҳолларда ҳақлиdir, агар улар:

банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига мос бўлмаса;

банкка унинг барқарор молиявий ҳолатига хавф туғдириши мумкин бўлган тарзда таъсир кўрсатаётган бўлса;

охирги бенефициар мулкдорнинг шахси тўғрисидаги ахборотни Марказий банкка тақдим этмаган бўлса.

47. Марказий банк банкнинг акцияларини олишга доир рухсатномани олмасдан туриб келишилган фаолият натижасида ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган акциядорларга нисбатан чоралар ва санкцияларни қўллашга ҳақли.

48. Ушбу Низомнинг 46 ва 47-бандларида кўрсатилган ҳолларда Марказий банк қўйидаги чоралар ҳамда санкцияларни алоҳида-алоҳида ёки жамланган тарзда қўллайди:

овоз бериш, акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишини чакириш ва ўтказишни талаб қилиш, кун тартибиغا масалаларни киритиш, банк кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолигига номзодлар кўрсатиш ҳамда банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш ҳуқуқини тўхтатиб қўйиш;

овоз бериш ҳуқуқи тўхтатиб қўйилган шахслар томонидан банк акциялари сотилиши тўғрисида қарор қабул қилиш;

банк акцияларини олишга доир берилган дастлабки рухсатномани чақириб олиш.

Ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган акциядорлар ўзига тегишли акцияларни банкнинг акцияларини олишга доир дастлабки рухсатнома чакириб олинган кундан эътиборан уч ой ичидаги сотиши керак.

Ушбу бандга мувофиқ ўзига нисбатан чоралар ва санкциялар кўлланилган шахслар тегишли банкнинг, шунингдек бошқа банкларнинг акцияларига бевосита ёки билвосита эгалик қилишга ҳақли эмас.

49. Марказий банк банкнинг раҳбар шахсларининг харакатлари ёки ҳаракатсизлиги сабабли банк томонидан содир этилган кўпол, жиддий ва жузъий қоидабузарликлар учун Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 57 — 59-моддаларига мувофиқ улардан жарима қўлланилаётган ойдан аввалги бир йил ичидаги олинган мукофотнинг мос равишда юз, етмиш беш ва эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима ундиришга ҳақли.

50. Марказий банк томонидан банкнинг раҳбар шахсларидан жарима ундириш тўғрисидаги Банк назорати қўмитасининг қароридан кўчирма, жарима миқдори, тўлов муддати ва Марказий банкнинг тегишли ҳисобварафи реквизитлари кўрсатилган ҳолда банкка хат юборилади. Бунда, жаримани тўлаш муддати Апелляция кенгашига аппеляция бериш муддатидан кам бўлмаслиги лозим.

Банк ёки унинг раҳбар шахслари томонидан хатда кўрсатилган муддатда жарима тўланмаган тақдирда, Марказий банк жаримани банкнинг раҳбар шахсларидан ундириш тўғрисида судга мурожаат қиласи.

51. Банкнинг раҳбар шахсларининг харакатлари ёки ҳаракатсизлиги банк томонидан қуидаги қоидабузарликларнинг содир этилишига олиб келса, Марказий банк банкнинг кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, банк бошқарувининг битта ёки ундан ортиқ аъзосини, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимларини алмаштиришини ёки эгаллаб турган лавозимидан олти ойга қадар четлатишини талаб қилишга ҳақли:

банк томонидан қоидабузарликни бартараф этиш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар режасидаги чора-тадбирлар белгиланган муддатларда бажарилмаганда;

Марказий банк томонидан банклар ва банк фаолияти, валютани тартибга солиш ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин куролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилишини бартараф этиш тўғрисида берилган ёзма огоҳлантиришда кўрсатилган талаблар бажарилмаганда;

банк кузатув кенгаши томонидан Марказий банкнинг банк акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий ўйнилишини ўтказилиши тўғрисидаги талаби бажарилмаганда;

Марказий банкнинг дивидендлар тўлаш ёки фойданинг тақсимланишини чеклаш тўғрисидаги, шунингдек айрим операцияларни чеклаш ёки тақиқлаш тўғрисидаги қарорлари бажарилмаганда;

Марказий банкка хисоботлар тақдим этилмаганда ёки ўз вактида тақдим этилмаганда ёхуд уларда нотўғри (ҳаққоний бўлмаган) маълумотлар акс этирилганда;

Марказий банкнинг текширув ўтказиш ваколати берилган ходимга нотўғри маълумотлар тақдим этилганда ёки текширув давомида ҳужжатларнинг асл нусхалари ва (ёки) уларнинг нусхалари, банк фаолияти, шунингдек банкка алоқадор шахслар ва (ёки) банкнинг бундай шахслар билан операциялар ҳақидаги маълумотлар ҳамда ёзма тушунтиришлар тақдим этилмаганда;

банкнинг раҳбар шахслари қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаганда.

52. Марказий банк қўйидаги холатлардан бири юзага келган тақдирда банкнинг кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, банк бошқарувининг битта ёки ундан ортиқ аъзосини, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимларини бирини ёки бир нечтасини алмаштиришин ёки эгаллаб турган лавозимидан олти ойга қадар четлятишни талаб қиласди:

банк капитали монандлиги ёки ликвидлик коэффициентларидан бири ёки бир нечтаси олти ойдан кўпроқ муддат давомида Марказий банк томонидан белгиланган йўл қўйиладиган энг кам миқдордан саксон фоизгача ва ундан камроқ фоизгача пасайғанда;

банк мижозларнинг банкка нисбатан қўйган талабларини уч кун ичida тўлай олмаса;

банкнинг жорий йил учун зарари регулятив капиталнинг 25 фоизидан ёки кетма-кет учта чоракда банк регулятив капиталнинг 5 фоизидан ошиб кетганда.

53. Марказий банкнинг банк мулкдор шахслари ёки раҳбар шахсларига нисбатан чора ва санкциялар қўллаш тўғрисидаги қарори ижросини банк таъминламаган ёки мазкур чорани қўллаш қоидабузарликларни бартараф этилмаган тақдирда, Марказий банк ушбу банкка нисбатан бошқа чора ва санкцияларни қўллашга ҳақли.

10-боб. Банк лицензиясини чақириб олиш ва нобанк кредит ташкилоти тўғрисидаги маълумотларни тегишли реестрдан чиқариш

54. Марказий банк:

банкка нисбатан Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунининг 77-моддаси ва Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3252, 2020 йил 30 июнь) талабларига мувофиқ банкнинг лицензиясини чақириб олиш;

нобанк кредит ташкилотига нисбатан Ўзбекистон Республикаси «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги Конунининг 24-моддасига мувофиқ нобанк кредит ташкилоти тўғрисидаги маълумотларни мос равишда микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестридан ёки ломбардлар реестридан чиқариш чорасини қўллашга ҳақли.

11-боб. Чора ва санкцияларни бекор қилиш тўғрисида илтимоснома киритиш

55. Банк ва нобанк кредит ташкилоти ўзига нисбатан қўлланилган чора ҳамда санкцияларни бекор қилиш тўғрисида Марказий банкка асослантирилган илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли, бундан мазкур Низомнинг 10-бобида келтирилган чоралар мустасно.

56. Банк ва нобанк кредит ташкилоти илтимоснома билан бирга қоидабузарликлар бартараф этилганлиги ва (ёки) қоидабузарликларнинг олдини олиш чоралари кўрилганлигини тасдиқловчи маълумотларни тақдим этади.

57. Марказий банк банк ва нобанк кредит ташкилоти томонидан киритилган илтимосномани 30 иш куни ичида кўриб чиқади ҳамда илтимосноманин кўриб чиқиш бўйича қабул қилинган қарордан кўчирмани кредит ташкилотига юборади.

Банк ва нобанк кредит ташкилотининг илтимосномасида кўрсатилган асослар ва тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилиш натижалари асосида Марказий банк банк ҳамда нобанк кредит ташкилотига нисбатан чора ва санкция қўллаш тўғрисидаги қарорга ўзгартиришлар киритиши мумкин.

12-боб. Якуний қоидалар

58. Марказий банк банк ва нобанк кредит ташкилотлари, банкнинг мулкдор шахслари ва раҳбар шахслари томонидан қоидабузарликларни бартараф этилиши ҳамда Марказий банкнинг чора ва санкцияларни қўллаш бўйича қарорларида белгиланган талабларнинг бажарилишини назорат қилиб боради.

59. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

34 Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-9*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 12 деқабрдаги 654-сон «Вазирлар Маҳкамасининг «Нотариуслар томонидан айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маъмурий регламентларни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 4 январдаги 2-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3113, 2019 йил 4 январь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2019 й., 10/19/3113/2422-сон) билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ТАШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 24 январь,
4-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 25 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
аддия вазирининг 2024 йил 24 январдаги
4-мҳ-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга
ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддимадан «Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»-ги Конунинг ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 5-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда, нотариус томонидан тегишли юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқатини текширишда юридик шахснинг Тизим орқали олинган таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси Тизимда сақланади.».

3. 19-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Нотариал ҳаракатларни амалга оширишга асос бўлган ҳужжатлар (Тизимда сақланиши назарда тутилган ҳужжатлар (маълумотномалар) бундан мустасно) уларнинг рўйхати тузилган ҳолда битимнинг нотариал идорада қолдириладиган нусхасига, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага ва бошқа нотариал ҳаракатларда эса ҳужжатнинг нусхасига тикилади ва нотариал идора йиғмажилларида сақланиши учун қўшиб қўйилади.».

4. 20-банднинг ўн учинчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалининг» деган сўзлар «ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри соҳасидаги ваколатли органнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 22-банднинг бешинчи хатбошидаги «Тизим орқали чоп этилади ва ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади» деган сўзлар «(инвойс) Тизимда сақланади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 25-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вакилнинг ваколати унинг номига берилган ишончнома ва (ёки) ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар (қарор, умумий мажлис баённомаси, кузатув кенгашининг қарори, буйруқ ва хоказо) билан тасдиқланади. Бунда, ваколат берувчи жисмоний шахсларнинг ўлим ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилмаганлиги Тизим орқали «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимида текширилади ва олинган маълумотнома Тизимда сақланади.».

7. 27-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулк билан боғлик битимларни (мол-мулкни ижарага бериш ва ундан текин фойдаланиш шартномаларини бекор қилиш ҳақидаги битимлар, кўчмас мулк ҳамда транспорт воситасидан фойдаланиш ва уни бошқариш ҳақидаги ишончномалар бундан

мустасно) тасдиқлашда мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва (ёки) хатланмаганлиги Тизим орқали текширилади. Бунда, текшириш натижаси бўйича мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ёки хатланмаганлиги ҳақидаги маълумотнома Тизимда сақланади.»;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси маълумотлар базаси орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ижро ҳужжатлари бўйича, шунингдек кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш коммунал ташкилотлар ахборот тизимлари орқали электр энергияси, табиий газ етказиб бериш, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги онлайн режимда текширилганидан кейин амалга оширилади. Бунда текшириш ўтказилган сана ва вақти кўрсатилган ҳамда маҳсус QR-кодга эга бўлган текшириш натижалари тўғрисидаги маълумотнома Тизимда сақланади. Электрон тизимларда техник носозликлар бўлганда, ушбу ташкилотлар билан ахборот алмашуви куръерлик хизмати орқали амалга оширилади.».

8. 29-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Эр (хотин)нинг умумий биргаликдаги мулки бўлган кўчмас мулк ва автомототранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битим тузишин учун хотиннинг (эрнинг) нотариус, Конуннинг 26-моддасида санаб ўтилган мансабдор шахслар ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаҳодатлантирилган ёзма розилиги олиниши лозим.

Кўчмас мулк ва автомототранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказаётган фуқаро эри ёки хотини йўқлиги (бева эканлиги ёки бўйдок) ҳақида ёзма ариза тақдим этганда, нотариус битимнинг иккинчи тарафини ариза билан таништиради ва ҳуқукий оқибатини тушунтиради. Иккинчи тараф аризага фамилияси, исми, отасининг исмини тўлиқ ёзуб, имзо қўяди. Ушбу ҳолати аниқлашда нотариусга тегишли равишда қўйидаги ҳужжатлар асос бўлади: фуқаронинг паспорти, (идентификация ID-картаси) никоҳдан ажralганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки ўлим ҳақидаги гувоҳнома, ўлим ҳолати фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қайд қилинганлиги ҳақида тибиёт муассасалари томонидан берилган QR-код (матрик штрихли код) тасвири туширилган маълумотнома ва никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёхуд далолатнома ёзувларидан кўчирмалар. Ушбу ариза кўчмас мулк ва автомототранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказаётган фуқаронинг шахсан ўзи томонидан берилади, битим вакил орқали тузилган тақдирда эса у томонидан ишончнома берувчининг эри ёки хотини йўқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган ҳолда вакилдан бундай ариза олинади.

Бунда, мулкдорнинг эри ёки хотини йўқлиги ҳақидаги маълумотлар, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажralганлик ва ўлим ҳақидаги фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари билан боғлиқ барча маълумотлар нотариуслар томонидан мустақил равишда, фуқаролардан ортиқча маълумот талаб қиласдан, «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали тек-

ширилади ҳамда текшириш натижалари тўғрисидаги маълумотнома Тизимда сақланади.

Электрон тизимларда техник носозликлар бўлганда, ахборот алмашуви куръерлик хизмати орқали амалга оширилади.

Эр ёки хотиндан бири вафот этганда уларнинг никоҳи давомида ортирилган умумий биргаликдаги мол-мулкига нисбатан ворислик қоидалари қўлланилади.

Эр (хотин)ни бедарак йўқолган деб топиш тўғрисида суд ҳужжати мавжуд бўлган ҳолларда нотариус битимни тасдиқлаши мумкин. Бу ҳолда нотариус Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 35-моддаси мазмунини битим матнида кўрсатиб ўтиши ва тарафларга тушунтириши лозим.

Никоҳ қайд этилгунга қадар сотиб олинган, мерос тариқасида ёки ҳадя шартномаси бўйича олинган, шунингдек никоҳ давомида сотиб олинган кўчмас мулк ва автомотранспорт воситаси никоҳ шартномасига асосан тақсимлаб олинган бўлса ёки эр-хотин ўртасидаги мулкни бўлиш тўғрисидаги суд ҳужжати ёхуд нотариал тартибда расмийлаштирилган келишув мавжуд бўлса, кўчмас мулк ва автомотранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимни тасдиқлаш учун эр ёки хотиннинг розилиги талаб қилинмайди.».

9. 32-бандинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«Агар умумий улушли мулк мулкдорларидан бири вафот этган бўлса, нотариус ўлим ҳақидаги фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари билан боғлиқ маълумотларни «ФҲДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали текширади ҳамда текшириш натижалари тўғрисидаги маълумотнома Тизимда сақланади. Нотариус Тизим орқали умумий улушли мулк мулкдорига нисбатан мерос иши очилган ёки очилмаганлигини текширади. Мерос иши очилиб, меросхўрлар таркиби аниқланган тақдирда, улар нотариал идорага таклиф қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 224-моддасига кўра умумий улушли мулк мулкдори бўлишилиги ва келажакда имтиёзли хукуқдан фойдаланишлиги тўғрисида тушунтирилади ва уларнинг аризалари олинади ёки нотариус томонидан сотувчининг аризаси унинг илтиносига кўра Қонуннинг 73-моддасига мувофиқ имтиёзли сотиб олиш хукуқига эга бўлган меросхўрларга топширилади.».

10. 36-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалининг» деган сўзлар «ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри соҳасидаги ваколатли органнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «ҳақиқий эмас деб топганлиги» деган сўзлар «бекор қилинганлиги ёки ҳақиқий эмас деб топганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «ҳақиқий эмас деб топилганда ёки» деган сўзлар «бекор қилинган ёки ҳақиқий эмас деб топилганда ёхуд» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 57-бандда:

ўн олтинчи хатбоши қўйидаги таҳририда баён этилсин:

«Мазкур банднинг ўн биринчи ва ўн учинчи хатбошиларида назарда тутилган маълумотномалар нотариус томонидан идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан олинади ҳамда Тизимда сақланади.»;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Электрон тизимларда техник носозликлар бўлганда, ахборот алмашуви куръерлик хизмати орқали амалга оширилади.».

12. 73-банд қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Мазкур банднинг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган маълумотнома нотариус томонидан идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан олинади ва Тизимда сақланади.

Электрон тизимларда техник носозликлар бўлганда, ахборот алмашуви куръерлик хизмати орқали амалга оширилади.».

13. 74-банд қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Мазкур банднинг еттинчи хатбошисида назарда тутилган хусусийлаштиришда розилик берган шахслар ҳақидаги маълумотнома нотариус томонидан идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан олинади ва Тизимда сақланади.

Электрон тизимларда техник носозликлар бўлганда, ахборот алмашуви куръерлик хизмати орқали амалга оширилади.».

14. 104-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўлим фактини тасдиқлаш учун ўлим ҳақидаги гувоҳномани ёки ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувидан кўчирмани ёхуд ўлим ҳолати фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қайд қилингандиги ҳақида тиббиёт муассасалари томонидан берилган QR-код (матрик штрихли код) тасвири туширилган маълумотномани талаб қиласи, гувоҳноманинг нусхаси мерос ишида қолдирилади, бунда, ушбу хатбошида қайд этилган ҳужжат(лар) ҳақидаги маълумотлар нотариус томонидан «ФҲДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали текширилади ҳамда текшириш натижалари тўғрисидаги маълумотнома Тизимда сақланади;».

15. 108-банддаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиали» деган сўзлар «ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри соҳасидаги ваколатли орган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 147-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нотариус эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномани бериш пайтида никоҳ тузилганлигига оид маълумотларни «ФҲДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали текширади ҳамда мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатни талаб қиласи. Бунда, ахборот тизимида текшириш натижалари тўғрисидаги маълумотнома Тизимда сақланади.»;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Электрон тизимларда техник носозликлар бўлганда, ушбу ташкилотлар билан ахборот алмашуви куръерлик хизмати орқали амалга оширилади.».

17. 150-банддаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалида» деган сўзлар «ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри соҳасидаги ваколатли органда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-хукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 22 ноябрдаги 36/9-сон «Банклар ва нобанк кредит ташкилотларига нисбатан чоралар ва санкциялар қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2024 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3492.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2024 йил 24 январдаги 4-мҳ-сон «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2024 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-9.